O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Байрамингиз муборак, азиз опа-сингиллар!

MILLIY TIKLANISH

Миллий тикланиш — миллат келажаги

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

2007-yil, 7-mart, chorshanba, 9 (392)-son.

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Пойтахтимиздаги «ОНИКС» очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган биллур қандиллар ва биллур идишлар нафислиги, жозибаси билан ҳар қандай харидорнинг эътиборини тортади. Юзлаб ишчилар меҳнат қилаётган корхонада кейинги йилларда иш суръати ортиб бормоқда. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 67 фоизга ортгани бунинг ёрқин исботидир.

Суратларда: биллур қандиллар; қадоқлаш цехи ишчилари Наталя Московкина, Зилола Омонова, Муҳаббат Раҳимова иш устида.

Азамат АҲМЕДОВ олган суратлар.

Партия ҳаёти

САФДОШЛАРИМИЗ МАДАДИГА ТАЯНАМИЗ

Истиқлол йилларидаги ўзликни англаш, жамиятдаги янгиланишлар ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳасидаги ўсиш, юксалишга куч-қудрат бағишламоқда. Рўй-рост айтганда, танлаган йўлимизнинг тўғрилигини ҳаётнинг ўзи исботлади. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон жамият барпо этишга бел боғлаган халқда ислоҳотларнинг самарасига, барқарор ҳаётга ишонч янада кучайиб бораётгани айни ҳақиқатдир. Бундай юксалишларда Жиззах вилоятининг ҳам ўз ўрни бор. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг вилоят кенгаши иши ҳам жонланиб бормоқда. Партиянинг вилоят кенгаши раиси ўринбосари Фурқат ТОШБОЕВ билан суҳбатимиз кейинги йилларда амалга оширилаётган ишлар, партиянинг ҳаёти ҳақида бўлди.

— Суҳбатимиз аввалида, вилоят кенгашининг кечаси ва бугунги фаолиятига эътибор қаратсак.

— Истиқлол жиззахликлар ҳаётига ҳам катта ўзгаришлар олиб кирди. Эртанги кунга ишончнинг пайдо бўлиши тамомила янги ҳаётнинг бошланиши бўлди, назаримда. Ёш мустақил давлатимизда зиёлилар партияси — «Миллий тикланиш»нинг ташкил топиши ҳам хайрли иш бўлди. Партиядошларимизнинг бош мақсади миллий тикланиш йўли эканлиги, аввало, миллий қадриятларимизнинг тарихан тикланишига бўлган эътибордан бошланди.

Мустақиллик йилларида вилоятда иқтисодиётнинг асосий тармоғи — саноат маҳсулотлари ҳажми 6, истеъмол маҳсулотлари тайёрлаш ҳажми эса 5,5 баробардан кўпроқ ўсишига эришилди. Истиқлолнинг биринчи йилида вилоятда 40 турдаги истеъмол моллари ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 100 дан ошиб кетди. Кўплаб иш ўринлари яратилди. Вилоят халқ хўжалигини ривожлантириш, иқтисодиёт тизимини тубдан ўзгартириш, хомашё етиштиришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш ҳамда тайёрланаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозори талаблари даражасида рақобатбардош бўлишини таъминлашга қаратилган барча чора-тадбирларни амалга оширишда партиямиз аъзоларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта. Ўтган йили истиқлол меваси бўлган партиямиз 10 ёшга тўлди. Айни пайтда вилоятда 1 та шаҳар, 10 та туман партия кенгаши фаолият кўрсатмоқда. 140 та бошланғич партия ташкилотлари мавжуд бўлиб, уларга 2064 нафар аъзо уюшган. Улар орасида турли касб эгалари бор. Зиёлилар билан бир қаторда иқтисодиётимизнинг таянч устуни бўлган фермерлар, тадбиркору ишбилармонларнинг сафимиздан кенг ўрин олаётганлиги ҳам қувонарли ҳол, албатта. Партиямизнинг нуфузи аъзоларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан белгиланишини ҳисобга олсак, бу — бизнинг ютуғимиз.

— Депутатлар фаолияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз...

— Вилоят кенгашимиз 2004 йилда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда вилоят, шаҳар, туман кенгашларига сайловларда фаол қатнашди. Сайлов натижаларига кўра, вилоят кенгашидан 1 киши Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси, 11 номзод эса маҳаллий кенгашлар депутатлигига сайланишга эришган эди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, филология фанлари доктори Абдуғафур Маматовнинг депутат сифатида олиб бораётган ишлари мақтовга сазовордир. У ўз сайловчилари олдида тез-тез чиқишлар қилмоқда. Хусусан, Бахмал, Ғаллаорол туманларидаги айрим муаммоларни ҳал қилиш учун елиб-югурмоқда.

Партиядан Жиззах туман кенгашига сайланган Ўрол Сатторов Ёйилма қишлоғига табиий газ келишида бош-қош бўлди. Бундан ташқари, бу инсоннинг ташаббуси билан қишлоқ четидаги ташландиқ жой тартибга келтирилиб, стадион барпо этилди. Ў.Сатторов нафақат депутат сифатида, балки илғор, саховатпеша фермер сифатида ҳам кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга имкон даражасида кўмак бериб келмоқда. 4 та кам таъминланган оила учун фермер хўжалиги ҳисобидан 1 тонна буғдой, қишлоқ врачлик пунктини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан

(Давоми 2-бетда).

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Музработ туман кенгаши «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан «Ватанда яшаш саодати» номли тадбир бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Ғаллаорол туман кенгаши ташаббуси билан «Жалолиддин Мангуберди — буюклик тимсоли» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

Нукус давлат университетида партиянинг Нукус шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Миллий тикланиш ва ёшлар» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

* * *

Партиянинг Фарғона вилоят кенгаши Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали билан ҳамкорликда «Менинг сиёсий ютуқларим» мавзуида семинар-тренинг ўтказди.

* * *

Партиянинг Сайхунобод туман кенгаши ташаббуси билан «Куч билим ва тафаккурда» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

Касби туман кенгаши ташаббуси билан халқ таълими бўлимида «Миллий урф-одатлар ва қадриятлар юксак орзуимиздир» мавзуида тадбир ташкил этилди.

* * *

Қорақўл туман кенгаши «Истиқлолимиз берган саодат» мавзуида партия фаолари билан учрашув уюштирди.

* * *

Қарши давлат университетида партиянинг шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Хотин-қизлар — мустақиллик йилларида» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Қибрай туман кенгаши ташаббуси билан «Арғин» маҳалла фуқаролар йиғинида «Миллий тикланиш — миллатнинг ўзлигини англаш, миллий тафаккурга кенг йўл очиш» мавзуида учрашув бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг депутатлик гуруҳи ташаббуси билан ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши депутатларининг йиғилиши ташкил этилди.

* * *

Олот туман кенгаши ташаббуси билан «Дин эркинлиги нима?» мавзуида маърифий тадбир ўтказилди.

* * *

Ғаллаорол туман кенгаши ташаббуси билан «Амир Темур — фахримиз, ғуруримиз» мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.

Ифтихор

АЁЛ ЎЗИ ЧЎҚҚИДИР...

Баҳор!

Адирларда бойчечак ва гунафшалар юз очди. Ариқ бўйларида ялпиз ҳиди гуркиради. Кўкламнинг илк насимлари ўт-ўланлар исини димоқларга етказди. Борлиқ узра ажиб бир хушбахтлик — гўё бу кўҳна олам қайта яшнаб, янада яшараётгандай!

Кўнгилларда эса ширин бир ташвиш, ҳаракатларда ўзгача тараддуд. Негаки, ҳадемай байрам, дунёда аёлнинг борлигига шукр айламак ва бунинг учун уни дилдан қутламоқ палласи яқин...

Аёл — Ватан. Аёл — мўъжиза. Аёл — Она.

Эрта тонгда заррин шуълалар сочаётган қуёшни Она-Офтоб дея қаршилаймиз. Бизга бағридан жой берган шу заминни Она-Ер деб эъзозлаймиз. Кўзимизни, кўнглимизни яйратган сўлим маскану маконларни Она-Табиат дея суямиз. Ёзу қиш асал ҳиди келиб турадиган боғ ва чорбоғларга «онадек сахий» деб таъриф берамиз. Хуллас, ён-атрофда неки бор, унга она деган сифатни қўшсаккина, кўз олдимизда янаям улканлашади!

Самарқанддан меҳмон бўлиб келган онам қоғоз қутичани авайлабгина қўлимга тутқазади:

— Ҳовлимиздаги ўрикдан қоқи қилганман. Қайнатиб, сувини ич. Танангга қувват бўлади, қизим.

«Хўп» дегандек бош силкийман. Онам, онажоним-а, ҳали-ҳануз менинг ташвишимни қилади!

Эрталаб туршак ивитилган сувдан бир ҳўплайману сўнг ичкаридан болаларни чақираман. «Икковинг шуни ичиб олинглар, жуда фойдали», — дейман уларга.

Ахир, мен ҳам онаман!

Ўйлай бошлайман. Аслида оналарнинг бариси болажон. Етмиш икки минг томирининг ҳар зарбидан «болам» деган сас эшитилади. Лекин болалари ҳам «онам» дермикан? Оналарининг ташвиши билан яшармикан улар ҳам?!

Бир она бор эди. Умр йўлдошидан эрта жудо бўлди. Уч ўғилни бир ўзи оёққа турғазди, ўқитиб, уйли-жойли қилди. Йиллар ўтиб, бу аёл кучдан қолди, қай бир куни ҳовлида ҳушини йўқотди-ю йиқилди. Уни дўхтирга кўрсатдилар. «Онангизнинг аҳволи жиддий, яхшилаб қаранглар, қўл-оёқларини иссиқ ёғ билан уқалаш керак. Уни ҳеч эътиборсиз қолдирмай. соғайгунича ёнида бўлинглар», — деди шифокор кетиш олдидан. Фарзандлар бир-бирига қарашди. Хўш, онани ким парваришлайди?

Катта ўғил укаларига юзланди:

— Мен келинойинглар билан санаторийга бормоқчийдим, бўлмаса-ку...

— Менинг қайинсинглим турмушга чиқаяпти, агар тўйга қарашмасдан бу ерда бўлсам, хотинимдан нақ балога...

Ўртанча ўғил гапини тугатиши билан кенжа укалари ўрнидан турди:

— Қўшни вилоятга гастролга бораман, ҳали тайёрланишим зарур, хўп, хайр!

Хуллас, бемор онага қараш учун учала ўғилнинг ҳам имкони йўқ экан! Онанинг аҳволидан қўни-қўшнилар хабар олиб туришди. Она эса болаларини соғиниб, ичикиб, йўлларига кўз тикаверіб касали баттар оғирлашди. Кўп ўтмай қазо қилди. Маъракалар ҳам ўтказилиб, ҳаёт яна изга тушди. Бу вақтда катта ўғил санаторийда дам олиб қайтган, ўртанча ўғил эса қайинсинглиси тўйида хизматда эди. Шу тўйда кичик ўғилга қўшиқ айтинг, деган таклиф тушди. У торини қўлига оларкан: «Ҳозирги қўшиғимни онажонимнинг хотирасига бағишлайман», — деди. Сўнг куйлай бошлади:

Онани иззат қилинг,
дилида ғам бўлмасин,
Кўнглига ғашлик
тушиб, кўзлари нам
бўлмасин...

Қўшиқни эшитиб, кўпчиликнинг кўзлари ёшланди. Айримлар эса учала ўғлидан ҳам бир чимдим меҳр кўрмай ҳаётдан кўз юмган онани эслаб маъюс тортдилар...

Аёл ўзининг нафосату малоҳати билан оламга кўрк беради, меҳри билан қалбларни иситади, муҳаббати билан юракларни безайди. У бекалик санъатини кўзкўзлаб хонадонига қут-барака олиб киради, эзгупарварлиги туфайли фарзандлари онгига саодатмандликни жо этади, куюнчаклиги боис маҳалласи, юрти тақдирига аралашади, илми ва иқтидори билан эса жамият тараққиётига ҳисса қўшади!

Донолар: «Аёл илмли бўлса, миллат илмли бўлади», — деганлар.

Тўмаринсининг ўктамлиги, Бибихонимнинг ақлу фаросати, Нодирабегимнинг оқилалиги, Олой маликаси — Қурбонжон Додхоҳнинг матонати, Туркон Хотуннинг ҳукмдорлик салоҳияти, темурий ва бобурий маликаларнинг ҳарбу зарбдаги иштироки, муомала санъати, хуллас, буларнинг бариси момоларимизнинг ниҳоятда билимдон бўлганликларини эътироф этади.

Бугунги аёллар-чи?

Озод юрт келажаги учун муносиб фарзандлар тарбиялаётган, турли соҳаларда фидойилик кўрсатаётган меҳнаткаш аёллар...

Қаҳрамон, депутат, раҳбар, орденли аёллар!

Ўз тақдирини миллат тақдири билан боғлаб яшаётган аёллар...

Ҳар бирининг юрагида адоқсиз меҳр, муҳаббат ва шижоат бор. Ҳар бири шу озод мамлакат келажагига ўзини масъул деб билгувчидир. Ҳар бири дунёга меҳр улашиб яшайди, бизни ҳам ҳаётни севиб яшамоқликка ундайди!

«Аёлнинг қудрати шундаки, у нафратни муҳаббатга айлантира олади», — деган экан бир файласуф.

Мен шоҳдурмен,
Ва лек сенга
қулдурмен! —

дея лутф қиладилар Мирзо Бобур ҳазратлари аёлга қарата.

Ўтган асрнинг бошларида машҳур шарқшунос В.Москалёв ўзбек аёллари ўртасида тадқиқотлар ўтказади ва улар ҳақда тарихий-этнографик очерк ёзаётиб, ҳайрат билан шундай сўзларни қоғозга туширади: «Ўзбек аёлининг табиатида фаоллик, ҳаракатчанлик, қизиқувчанлик ва туғма ақл мавжуддир!»

Ўзбекнинг ардоқли шоираси Зулфияхоним эса аёл шахсига мана бундай таъриф берган эдилар:

У олмаган чўққи
йўқ, неки
Аёл ўзи чўққидир
бу кун!

Бу — ҳақиқат. Аёл-чўққида туриб ҳам юксакроқ орзу-ўйлар билан яшаяпти. Миллатни асраш, камол топтириш, озод Ватаннинг ҳар қаричини эъзозлаб-авайлаш ва гуллаб-яшнатиш умидида меҳнат қилаяпти у. Аёлнинг умидлари қаҳратонда ҳам яшнаб турган майсага ўхшайди, бу майса эркнинг қуёшидан нур эмиб тобора кўкараверади ва янада жасоратли бўла боради.

Мана шундай жасорат улуғ миллатнинг эртанги кунини яратади.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Тадбир

Давлатимиз рамзлари — миллатимиз фахри

Яқинда Когон шаҳридаги 5-умумтаълим мактабида "Давлатимиз рамзлари — миллатимиз фахри" мавзуида семинар бўлиб ўтди. Уни ўтказишдан асосий мақсад Президентимиз томонидан қабул қилинган "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарорига асосан ёш авлод онгида ва тафаккурида тарихимиз, маданиятимиз, миллий давлатимиз рамзлари ҳақида янада чуқурроқ тушунча беришдан иборатдир.

Когон шаҳар халқ таълими бўлими ва Маънавият тарғибот бўлими ҳамкорлигида ўтказилган бу тадбирда шаҳардаги барча таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ва тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарлари, "Миллий истиқлол ғояси" фани ўқитувчилари ва "Камолот" бошланғич ташкилоти етакчилари иштирок этишди. Семинарда улар тажрибали ўқитувчилар томонидан ташкиллаштирилган "Миллий истиқлол ғояси — миллий қадриятлар" мавзуидаги дарсларни кузатиб, ўзлари учун керакли жиҳатларни ўргандилар. Янги педагогик технологияларга асосланган интерфаол усуллар билан танишдилар.

Айниқса, ўқувчи ёшларнинг миллий кийимда қадимги фольклор лапарларимизни маромига етказиб куйлашлари тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Ихтиёр ЙЎЛДОШ,
"Миллий тикланиш" мухбири.

БМТга аъзолик почта маркасида

Ўзбекистон Республикаси БМТга аъзо бўлганлигига 15 йил тўлиши муносабати билан "Тошкент почтамти"да тадбир бўлиб ўтди. Унда "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти томонидан ушбу санага бағишлаб "Ўзбекистон Республикасининг БМТга аъзо бўлганлигига 15 йил" почта маркаси муомалага чиқарилганлигининг тақдимоти ўтказилди.

Янги почта маркасида республикамиз байроғи ва БМТ эмблемаси "1992-2007" ёзувлари билан уйғунликда акс эттирилган. Лотин алифбосида "O`zbekiston Respublikasining BMTga a`zo bolganligining 15 yilligi" сўзлари ёзилган. Махсус хотира тамғаси тушириладиган жой ва сана кўрсатилган.

Иззат АҲМЕДОВ.

АЙЁМГА БАҒИШЛАНДИ

Диёримизда маърифатли, маънавий дунёси бой, иболи, меҳрибон, вафодор аёллар бисёр. «Миллий тикланиш» демократик партияси сафларидаги хотин-қизларнинг барчаси шундай ажойиб аёллар.

Сумалак тортилган дастурхон атрофига Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари, ЎзМТДП Марказий кенгаши девони ходимлари, Марказий кенгаш аъзолари, Тошкент шаҳар ва туманлар кенгашлари фаолларидан иборат аёллар йиғилишди.

Йиғилганларни Марказий кенгаш раиси Х.Дўстмуҳамедов 8-март — Халқаро хотин-қизлар байрами билан самимий қутлади. Уларга гуллар туҳфа этилди.

Таниқли шоира, Олий Мажлис депутати Шарифа Салимова ўқиган шеърлар иштирокчиларга байрамона кайфият бахш этди. Тадбирнинг давоми куй ва қўшиқларга уланиб кетди.

Гавҳар ДИЛМУРОДОВА,
ЎзДЖТУ талабаси.

Абдулла Қаҳҳор таваллудининг100 йиллиги олдидан

Атоқли адиб Абдулла Қаҳҳорнинг деярли барча бадиий асарлари, айниқса, унинг «Тобутдан товуш» комедияси ҳақидаги тортишувлар кескин вазиятда ўтган. Ёзувчининг ижоди билан яқиндан танишиб, бир рисола ва кейинроқ монография яратганман. Бадиий асарлари ҳақида кўплаб мақолалар ёзиш жараёнларида устознинг шахси, феъл-атворини чуқурроқ ўрганганман. Ўз навбатида Абдулла Қаҳҳор ҳам менга ўзини яқин олар эди. Шу сабабдан бўлса керак, ёзувчи «Синчалак» повестига "Мунаққид Абдусаматовга зўр ҳурматим нишонаси. Имзо. 11 март 1959 йил." деган сўзларни битиб берганди.

БИР АСАР ТАРИХИ

Абдулла ака менга ишонарди, суҳбатлашиб, дардлашиб туришни канда қилмас эди. Бу ишонч уни ишхонамга бошлаб келган бўлса ажаб эмас. Бу воқеа 1962 йилнинг бошларида содир бўлган. Устознинг кайфиятлари чоғ эди. Илҳомга тўлган ҳолда ёзаётган янги асарининг қисқача мазмунини завқ билан ҳикоя қилиб берди. «Мен порахўрнинг шундай образини яратаяпманки, саҳнада кўрган томошабин унинг башарасига туфлайдиган бўлади» , — деди устоз. Бироз сукутдан кейин, ўйланиб туриб, қўлини юқорига қилиб «уларга ёқармикан?» — деб сўради. Устознинг ташвишланишида ҳам жон бор эди. Чунки юқорида айтганимиздай унинг ҳар бир катта асари қаршиликларга учраган, у бундан азоб чеккан, асаблари бузилган. Абдулла Қаҳҳор тажрибали, ҳаёт сўқмоқларидан эҳтиёткорлик билан ўта олган ақлли, чиниққан инсон эди. Шунинг учун раҳбарларнинг сатирик асарни қабул қилишлари қийин кечишига ақли етар, буни фаҳмлар эди. Мен ҳам ташвишлана бошладим. Аммо бу асарнинг чоп этилишини жуда хоҳлар эдим. Шунинг учун йўл қидира бошладим. Ярқ этиб бир фикр миямга келиб қолди.

Топган гапимдан қувониб дедим: "Абдулла ака, ўзингиз яхши биласиз, танқидий мазмундаги, айниқса, совет воқеалигидан олиб ёзилган сатирик комедияни ҳазм қилишлари қийин бўлар. Аммо бир йўли бор, Лениннинг порахўрларни қуроловчи фикри бор. Ўшани асарингизга эпиграф қилиб олсангиз, айрим қўрқоқ, сатиранинг моҳиятига тушунмаган раҳбарларнинг, адабий танқидчиларнинг оғзига урган бўласиз" — дедим. Устозга бу фикрим маъқул келди. Шундай қилиб, "Сўнгги нусхалар" ("Тобутдан товуш") ана шу эпиграф билан нашр этилди.

Комедия Ҳамза (ҳозирги Миллий) академик драма театрида ҳаётга йўлланма олди. Томошабинлар театрга оқиб кела бошлади. Аммо дабдурустдан уч машҳур маданият арбобининг "Қизил Ўзбекистон" газетасида (1962 йил, 11 август) "Тобутдан товуш" асарига салбий тақризи босилиб чиқди. Томошабинлар билан газетада берилган мақола ўртасида жиддий тафовут пайдо бўлди. Аммо халқ оммасига салбий тақриз таъсирини ўтказа олмади. Аксинча, театрга келувчи томошабинларнинг сони янада ортди. Ижодий жамоа ҳам ҳайрон. Ўртада пайдо бўлган чигалликни ёзиш учун йиғилиш бўлди. Шу йиғилишда маъруза қилиш менинг зиммамга тушди. Мен тақризни қоралаб ўтирмасдан "Тобутдан товуш" ҳақидаги ижобий фикрларимни айтиб, унга юқори баҳо бердим. Асарнинг айрим нуқсонлари ҳақида ҳам тўхталдим. Асар саҳнада қўйилишга тўла ҳақли, дея хулоса чиқардим. Театр директорига сўз берилди. Унинг гапларини эшитиб ёқамни ушлаб қолдим. У кўп гапирмади, тақризга ҳам, менга ҳам муносабатини билдирмади. "Биз "Тобутдан товуш"ни қўйган эдик, халқ кирмай қўйди, шунинг учун репертуардан олиб қўйдик", — деса бўладими? У мансабини сақлаб қолиш учун ҳақиқат томонга эмас, қаллоблиқ йўлига ўтиб олди. Ҳақиқат зўр чиқдими, ҳар ҳолда раҳбаримиз "Тобутдан товуш" саҳнадан олиб ташлансин ёки қўйилаверсин, деган қатъий фикрни айтмасдан масалани очиқ қолдирди.

Ҳақиқатан ҳам "Тобутдан товуш" сатирик комедиясининг йўналиши, ғоявий мазмуни, характерлар моҳияти жуда жиддий, ҳам ўткир эди. Унинг туб илдизига бориб етиб, рўй-рост баҳо бериш учун ҳаётни яхши билиш, адабиётнинг ўзига хос нозик томонларини англаб етиш лозим эди. Чунки асарда "уста" порахўрнинг кирдикорлари ёритиб берилади. Ахлоқий бузуқчиликнинг келиб чиқиш сабаблари қаламга олинади. Қаерда порахўрлик бўлса, ўша ерда бузуқчилик бош кўтаради. Бузуқчилик билан порахўрлик эгизак, деган ғоя Сухсуров, Нетайхон, Қори каби мукаммал образлар орқали ёрқин очиб берилади. Бундай иллатларнинг кушандаси сифатида Нетайхоннинг ўгай укаси фронтчи Обиджон яққол кўзга ташланади. Шўро даврида бунга ўхшаш порахўрлик, ахлоқсизлик бўлиши мумкин эмас деганларнинг кўкракларига асар ханжардай ботди.

("Тобутдан товуш")ни янада такомиллаштириш, ғоявий-бадиий савиясини кўтариш баҳонасида уни саҳнада ўйналишини маълум вақтгача тўхтатиб туришди. Бундай адолатсиз хуружлар, ўринсиз тазйиқлар драматургнинг ҳам, спектаклда рол ижро этган севимли актёрларнинг ҳам асабини емирганлиги, соғлиғига путур етказганлиги шубҳасиздир.

Шу нарсани алоҳида таъкидлашимиз керакки, комедиядаги ролларни ижро этган Ўзбекистон халқ артистлари С.Табибуллаев (Сухсуров), И.Болтаева (Нетайхон), Қ.Хўжаев (Қори), С.Муҳаммаджонов (Обиджон)лар шундай мароқ билан ўйнашганларки, уларнинг маҳоратларига қойил қолганмиз.

Абдулла Қаҳҳор жасоратли, ҳеч нарсадан қўрқмайдиган, мард адиб эди. Ҳаётда учраган нуқсонлар — фирибгарлик, лаганбардорлик, ношудлик, янгиликлардан қўрқиш, лоқайдлик каби иллатларга унинг шафқатсиз сатирик тиғи санчилган. Билишимча, ҳеч қайси ёзувчи Абдулла Қаҳҳордай ҳаётдаги нуқсон ва камчиликларни кўп маҳв этмаган. Унинг қаламида пахта далаларидаги азобли меҳнатдан азият чекканлар, аёлларнинг оғир меҳнатда майиб бўлишлари, далаларда дориланган сувларни истеъмол қилган деҳқонлар, боғча кўрмай ўсган болалар тақдири жонлантириб тасвирланган. Бу ишларга айрим раҳбарларнинг лоқайдлигини, масъулиятсизлигини жуда катта бадиий куч билан фош этган, жамоатчиликнинг диққат-эътиборини қаратиб, бу нуқсонларни йўқотиш йўлларини қидирган. Аммо порахўрларга адибнинг ғазаби айниқса, кучли эди. Бундай бўлиши ҳам табиийдир. Пора ва порахўр ҳақидаги адибнинг қуйидаги гапига диққат қилинг-а! "Ҳеч бир жиноятни порахўрликка тенг кўриб бўлмайди. Ўғри кечаси йўлингизни тўсиб, чўнтагингизга қўл солади, пулингизни олади, олади-ю қочади-кетади. Порахўрлар куппа-кундуз куни, яна ўз идорасида ўтириб чўнтагингизга қўл солади-да, пулингизни олади-ю, жиноятга сизни шерик қилади". (Абдулла Қаҳҳор. Асарлар, тўртинчи жилд, Тошкент, 1988, 151-бет.). Бу сўзлар катта саҳнада зўр оҳанг билан жаранглаганлигига гувоҳ бўлганман.

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ.

Эҳтиром

БАХТИНИ ТОПГАН ОПА

Инсоннинг ҳаёти қизиқ. Унинг умр йўлларидаги тақдири кўпроқ ёшлик йилларида қўйилган тамал тошининг қанчалик мустаҳкамлиги билан ўлчанади. Иш фаолиятини мактабда ўқитувчиликдан бошлаган Хайринисо Мирзажонованинг умр дафтарига ҳам орадан ўтган йиллар турли хил воқеаларни битди. Ўзига хос иш услуби, изланувчанлиги, меҳнатсеварлиги билан қаерда ишламасин, жамоа ишончини қозониб келаётган бу аёлнинг ҳар бир куни ватандошларимизнинг ҳаёти билан ҳамнафас.

— Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини тугатгач, Юқори Чирчиқ туманидаги 20-умумтаълим мактабида бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб иш бошладим, — дейди Хайринисо опа. — Ўқиш бошқа, иш бошқа экан, кўп нарсани таълим даргоҳида ўргандим. Ўқувчиларим билан тезда тил топишиб кетдим. Бошланғич синфларда дарс бериш осон эмас. Ҳар бир ўқувчига алоҳида эътибор билан қараш, уларни аълочи ўқувчилар қаторига қўшилиб олишига ёрдам бериш керак. Шунга ўхшаш муаллимликнинг сир-синоатларини йиллар давомида ўзлаштириб бордим. Мактабда орттирган тажрибам келажакда бошқа жамоаларда фаолият юритганимда ҳам ёрдам берди. Мактаб ҳаёти менга кўп нарсаларни ўргатди.

Суҳбатдошимиз ўша йилларни хотирлар экан, касбидан топган бахт ҳақида ҳам тўлқинланиб гапирди:

— Москвадаги собиқ Бутуниттифоқ кўргазмасига туманимиз бўйича вакил бўлиб бордим. Ахлоқий тарбияга оид амалий ишларимга юқори баҳо беришди, кўргазманинг олтин ва кумуш медали соҳибаси бўлдим. Иш услубимнинг қўлланма сифатида нашрдан чиқарилиши ва мактабларга тарқатилиши касбимга бўлган меҳримни ва ўзимга бўлган ишончимни янада орттирди. Тез орада мени тумандаги 9-мактаб раҳбарлигига ишга таклиф этишди.

Меҳнатсеварлиги, ташаббускорлиги, ҳар бир ишга жонкуярлик билан ёндошиши боис у мактаб директорлигидан Бектемир шаҳар халқ таълими бўлими мудирлигига ишга ўтди. Халқ таълими соҳасида раҳбарлик лавозимларида ишлаб юрганида учта умумтаълим мактаби, ўнлаб болалар боғчалари, мусиқий таълим ва спорт мактаблари, ёш техниклар клублари қурилишига бош-қош бўлди. 1990-1999 йилларда Бектемир туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси вазифаларида ишлаб, истиқлол ғояларини кенг тарғиб қилиш, сўзда ҳам, амалда ҳам халқпарвар бўлишда бошқаларга ибрат кўрсатди.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси вазифасида ишлаган йилларида эса Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзоди кўрсатилган иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлаш, давлат ва жамият ишларига жалб этиш ишини сидқидилдан бажарди. У 2004-2005 йилларда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Тошкент шаҳар кенгаши раиси, 2005 йилдан ҳозиргача эса партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари лавозимларида ишлаб келмоқда.

«Миллий тикланиш» партиясида аёлларнинг ўрни қай даражада эканлигини биргина Хайринисо Мирзажонова мисолида яққол кўриш мумкин. Аёл киши учун ҳам оила, ҳам қизғин сиёсий фаолият оғирлик қилмайдими, деб сўраганимда суҳбатдошим: одамнинг ўзига боғлиқ. Ҳам оила, ҳам давлат ишини ўз вақтида уддалаш, тенг олиб боришнинг қийинчилиги бўлади, албатта. Барибир бошқача яшолмасдим. Эпини қилиб ҳамма нарсага улгуриш мумкин экан. Кўпчилик аёл кишининг ўрни уйда бўлиши керак, деган фикрда. Бу фикр бирёқламадек туюлади менга. Биргина бизнинг партиямиздаги аёлларни олайлик. Сафимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Шарифа Салимова, Мунира Қориева, Раъно Зарипова партиямизнинг етакчилари Жаннатой Тошматова, Лола Саидова каби бир қатор аёлларимиз борки, улар ҳам оилада, ҳам жамиятда фаол. Аслида даврнинг талаби ҳам шуни тақазо этмоқда», — дейди.

Хайринисо опа оилада ҳам бахтини топган аёл. «Оилам — менинг бахтим, — дейди опа қувонч билан. — Фарзандларим, невараларим оиламизнинг қувончи. Ота-онанинг энг катта бахти боласининг камоли. Турмуш ўртоғим иккимиз ҳамиша фарзанду набираларнинг дуойи жонидамиз».

Хайринисо Мирзажонова мустақиллик йилларидаги самарали меҳнатлари учун ҳукуматимиз томонидан «Шуҳрат» медали, Мустақилликнинг 1 йиллиги, 10 йиллиги, 15 йиллиги юбилей медаллари билан тақдирланган. Ёшлик йилларида ўрта мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаган аёл бугун зиёлилар партиясининг олдинги сафларида туриб фаоллик билан ишлаб келаётир. Унинг оилада ҳам, жамиятда ҳам ўз ўрни бор.

Меҳнатдан топилган ҳурмат ва бахт шу бўлса керак.

Зумрад ВАҲОБОВА.

ФАОЛЛАР МАДАДИГА ТАЯНАМИЗ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

жиҳозлашга маблағ ажратди. Қишлоқ мактабини ўз оталиғига олиб, "Энг аълочи ўқувчи" стипендиясини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди.

Бир сўз билан айтганда, жойларда партиямиздан сайланган депутатлар ўртасида ташкил этилаётган учрашув ва мулоқотларда аҳолини ўйлантираётган муаммолар ечимини топиш ишлари йўлга қўйилган. Арнасой туманидаги Ғолиблар қўрғони, Жиззах туманидаги Ёйилма маҳалласида бир қатор муаммоларнинг ҳал қилингани шундай учрашувлар самараси десак, муболаға бўлмас.

— Ташаббуснинг қаноти бор, дейдилар. Партия аъзоларининг кўпчилиги эзгу ва хайрли ишларнинг бошида бўлишмоқда. Бунда баъзи туман кенгашларининг фаоллиги сезилса керак. Ўз ўрнида ишни яхши йўлга қўйиши зарур бўлган бошқа туманларга қандай эътибор керак деб ўйлайсиз?

— Янгиобод ва Зомин туман кенгашлари тарихий меросимизни асраш ташаббусини кўтариб чиқди. Хўжа Мушкент ота ёдгорлигини таъмирлаш ва ободонлаштириш, уни халқимизнинг файзли зиёратгоҳларидан бирига айлантириш мақсадида Эрганакли, Феруз, Байот, Боғот қишлоқларининг аҳолиси бу таклифларни қўллаб-қувватлаб, савобли ишга бош қўшдилар. Яна бир хайрли ташаббус ҳақида тўхталиб ўтсам. Дўстлик туманидаги Мурод Абдувосиев номли агрохизмат маркази ҳудудида 16 гектарлик қаровсиз ётган боғ туман кенгаши ташаббуси билан "Дўстлик ҳаёти" туман газетаси тасарруфига ўтказилди. Бу жойда "Ижодкорлар боғи" ташкил этилди. Боғдан олинадиган даромад ҳисобига таҳририятнинг моддий-техника базасини яхшилаш, маҳаллий муаллифларнинг ижод намуналарини тўплам ҳолида чоп эттириш режалаштирилган.

— Вилоятда ёш авлодни истиқлол ғояларига содиқ, маънан баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Сир эмаски, комил инсонни тарбиялаб, вояга етказишда миллий қадриятларимиз, маънавий-маданий меросимиздан баҳра олиш муҳим рол ўйнайди. Шу боис Ватан мустақиллиги йўлида курашган ҳамда илм-фан, маданиятнинг турли соҳаларида улкан мерос қолдирган буюк бобокалонларимиз ҳаётини ўрганиш, ёшлар ўртасида тарғиб–ташвиқ қилишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Вилоят кенгаши режа асосида барча туманларда юртдошларимизда она-Ватанга муҳаббат, юртга содиқлик туйғуларини шакллантириш мақсадида турли мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар уюштирмоқда. Шунингдек, вилоят кенгаши ташаббуси билан барча туманларда ҳар ойда бир марта партия ўқуви, семинар-тренинглар ўтказиш йўлга қўйилган. 2 та олий ўқув юрти, 37 та касб-ҳунар коллежлари, 545 та мактабларда ҳам партия аъзоларининг кўмаги билан турли хил тадбирлар ташкиллаштирилмоқда. Мамлакатимизнинг таниқли санъат ва адабиёт арбоблари билан ўтказилаётган учрашувлар, илмий анжуманлар кўпчиликда, айниқса ёшларда катта таассурот қолдирмоқда.

— Вилоятда истиқлол йилларида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганлигига ҳам гувоҳ бўлиб турибмиз...

— Вилоятимиз мустақиллик йилларида юксалиш йўлига чиқиб олди. Тарихий жойлар ва замонавий бунёдкорлик иншоотларини ободонлаштириш орқали ёшларда миллий қадриятларга, азиз Ватанимизга меҳр-муҳаббат, ғурур-ифтихор туйғуларини ўстиришга катта аҳамият берилмоқда. Олимпия заҳиралари коллежи, "Сайилжойи" академик лицейи, "Маънавият ва маърифат" маркази, "Бахт уйи", маҳалла маркази, теннис корти, "Хотира" майдони, "Жиззах" от чопари, "Боғишамол" ва "Сангзоркўл" оромгоҳлари, ўнлаб маҳалла гузарлари, тиббиёт ва таълим муассасаларининг қуриб, ишга туширилиши ёшларнинг қалбида мустақилликка, Ватан истиқболига бўлган ишончни мустаҳкамламоқда. Бунёдкорлик ва тадбиркорлик вилоятдошларимизнинг кундалик ҳаёт тарзига айланди. Юртбошимиз айтганларидек: "Бугун бағри кенг, ғурури баланд, заҳматкаш Жиззах халқи янги-янги марраларга эришиш мақсадида астойдил бел боғлаб меҳнат қилмоқда".

Суҳбатдош: Бўрибой НОРҚУЛОВ, "Миллий тикланиш" мухбири.

Тақдимот

Қалбга яқин китоб

Миллий матбуот марказида ижодкор аёллар, партиямиз фаоллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида бўлиб ўтган адабий кеча байрамона тус олди. Тадбир «Журналист аёллар клуби» эълон қилган «Атиргул» танлови ғолибларини тақдирлаш билан бошланди.

Шундан сўнг ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Х.Дўстмуҳамедов аёлларни баҳорнинг биринчи байрами — 8 март Халқаро хотин-қизлар куни билан қутлаб, партиядошимиз, Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиеванинг янги китоби кўнгилларга баҳор нафасини олиб кирадиган тўплам бўлганлигини таъкидлади.

— Аслида ҳар бир шеър, ҳар бир асар юракнинг қони билан ёзилади, — деди Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева. — Олис бир қишлоқдан келиб, йигирмага яқин китоб чиқариб, адабиётимиз, маданиятимизда ўзига хос ўрнингизни топдингиз. Ёзганларингизда самимийлик, одамларга, юртга бўлган меҳр кучли. Янги китобингизни ўқиган одамнинг юрагига ҳам ёруғлик оқиб келади. Бу ёруғлик билан юрагимиз бир қадар кўтарилади.

Таниқли шоира, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Қутлибека Раҳимбоева шоирани янги китоб билан қутлар экан шундай деди:

— Аёлларимиз учун ҳар жиҳатдан зарур бўлган Назокат исмли туйғу билан асарнинг номлангани мени қувонтирди. Журнал, газетанинг хизматларидан ортиб, кўнгилдаги гапларни қоғозга тушириш, юрагидаги уйғоқликни шунча масъулиятли ишларнинг орасида сақлаб қолиш ҳам жасорат, ҳам бахт. Шоира халқона қадриятларимизни меҳр билан, соғинч билан шундай тасвирлайдики, ўша қишлоққа, ўша жойга бориб қолгингиз, болаликка қайтгингиз келади.

Шоир Фахриёр Ойдин Ҳожиева билан «Гулхан» журналида бирга ишлаган йилларини хотирлар экан, унинг шогирдларига ғамхўрлиги, ёшларга меҳрибонлигини эслади. «Бу меҳр китобингизга ҳам кўчибди, — деди у. — "Назокат" кўнгилга яқин тўплам бўлибди. Китобнинг дизайни ҳам ҳеч бир ўқувчини бефарқ қолдирмайди".

Тошкент давлат маданият институти талабалари, 22-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг бадиий чиқишлари тақдимот маросими иштирокчиларига яхши кайфият улашди.

Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА.

Партиямиз фаоллари

Ҳам ижодкор, ҳам етакчи

Санобар Қаюмова асли бахмаллик. У ёш авлодга илм берищдек бағоят савоб ишни ўзига ихтиёр этган фаол хотин-қизлардан. ЎзМТДП Дўстлик туман кенгаши «Хотин-қизлар қаноти» раиси сифатида ҳам хотин-қизларни фойдали меҳнатга жалб этиш борасида саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда. Унинг ташаббускорлиги билан ўтказилаётган тадбирларда миллий анъаналар, қадриятларга меҳр балқиб туради. «Аёл борки, олам мунаввар», «Устоз — отангдек улуғ», «Қадриятларимиз — қадримиз», «Момомнинг ўгитлари» сингари бир қанча тадбирлар кўтаринки руҳда, жуда қизиқарли ўтган.

Шеъриятга кўнгил қўйган Санобархоннинг ҳар бир гапида шоирона меҳр, юртга, одамларга муҳаббат борлигини сезамиз. Бахмалнинг пурвиқор тоғлари, бепоён қирадирлари, меҳнаткаш инсонлари уни мафтун этгани ёзганларида кўриниб туради. Дилбар мисраларида ана шуларни ва шунингдек, муҳаббат, бахт ва армон, аёл бахт-иқболи, она-Ватанни куйлашга интилади. Санобарнинг машқлари самимий, халқчил ва дилкаш:

Кўзларим дунёни идрок этмоқда,
Қараб чўл-адиру, боғу-роғларга.
Болалик кунларим секин ўтмоқда,
Талпинар юрагим юксак тоғларга.

Кўнгилдаги самимий, тоза туйғуларни қоғозга тушира олишнинг ўзи катта бахт аслида. Кўпинча биз бахтни узоқдан қидиришга ўрганиб қолганмиз. Атрофингдаги инсонларни севиш, уларнинг қувончу ташвишларига шерик бўлиб яшаш, дунёдан фақат гўзалликни, покликни топиб, ундан завқланиб яшаш — бу бахтга элтувчи ягона йўл эканлигини гоҳида сезмаймиз ҳам.

Юрагимда порлар меҳр қуёши,
Қалбимда унади халққа садоқат.
Кўзларимдан оқмас энди кўз ёши,
Бу ўлкада яшаш ўзи катта бахт.

Муаллима шоира ўтган йили республика Ижодкор ўқитувчилар кўрик-танловида фахрли ўринни олган эди. Унинг «Дўстлик», «Баҳор соғинчи» каби шеърий тўпламлари чоп этилган. Шоиранинг қалб туғёни ила ёзилган қайноқ сатрлари ҳеч бир шеър шайдосини бефарқ қолдирмайди. Шоира ўз шеърлари ила мўътабар аёл зотига гўзал ҳайкал қўйганга ўхшайди. Чунки шеърларининг асосий қисми аёлларга бағишланган.

ИҚРОР

Кимнидир тарк этар энг ширин хаёл,
Келинг, орзуларин этмангиз увол.
Насллар тўхтарди, тўхтарди алҳол!
Агар бу дунёда бўлмаса аёл.

Қаро тун чўкгуси ҳатто кундузга,
Кўнгилга ошиён қургайми кулгу,
Шоирлар ёнганча битгайми ғазал,
Агар бу дунёда бўлмаса аёл?

Гуллар очилмасди боғингизда ҳеч,
Ким ҳам кутар эди сизни ҳар кун кеч.
Эҳтимол яшарсиз бир дарахт мисол,
Агар бу дунёда бўлмаса аёл.

Қайдан билардингиз назокат нима,
Метиндек ирода, садоқат нима,
Қайси бир юракдан йиғардингиз бол,
Агар бу дунёда бўлмаса аёл!

Аёл меҳри ила йўғрилган инсон,
Яшагай қалбларда эътиқод, иймон.
Қирғинлар юз берар, умрлар завол,
Агар бу дунёда бўлмаса аёл.

Б. НОРҚУЛОВ.

Денов туманидаги 77-умумтаълим мактабида Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб ўтказилган тадбир шу ном билан аталди. Денов шаҳридаги Абдулла Набиев номли маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари уни ташкиллаштиришда ҳисса қўшдилар.

«Она — муқаддас»

Тадбирни мактаб директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Муҳтарама Сафарова очиб, устозлари, халқ таълими фахрийлари — 82 ёшни қоралаган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Сора Аълоева, халқ таълими аълочиси, мактаб "Ёш қаламкашлар" тўгараги раҳбари Зулфия Йўлдошева, меҳнат фахрийси, халқ таълими аълочиси Бибисора Рустамовалар номларини мамнуният билан қайд этди. Улар халқ таълими соҳасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилганлиги ва маҳаллада кўрсатаётган фаолликлари учун шундай эъзозга лойиқ топилди.

Фуқаролар йиғини аъзоси Абдуғани Тошпўлатов "Хотин-қизлар — маҳалламиз фахри", ЎзМТДП Денов туман кенгаши раиси Хуррам Райимов "Аёл ва жамият" мавзуларида маъруза қилдилар.

Уч нафар аёл устозга, шунингдек, маҳалла фаоли, ЎзМТДП аъзоси Гулнора Жумаевага Фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар, гулдасталар тақдим қилинди.

Тадбир сўнгида мактаб бадиий ҳаваскорлик жамоаси томонидан концерт ташкил этилиб, дастурхон ёзилди.

Жуманазар АНОРОВ, "Миллий тикланиш" мухбири.

Ислоҳот инсон учун

ХАТИРЧИЛИКЛАР ИБРАТИ

Хатирчи тумани маркази Янгиработ шаҳрига кириб борар экансиз, янгидан қурилган ва қад ростлаётган коллежу мактаблар, тураржойлар кўзга ташланади. Бу ерда кейинги йилларда кўпгина бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётир.

— Истиқлол йилларида бошқа жойларда бўлганидек туманимизда ҳам катта бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Юртдошларимиз ўз меҳнати самарасини кўриб, янгиланиш ва бунёдкорликдан баҳраманд бўлишмоқда, — дейди туман ҳокими Эркин Турдимов. — Саъй-ҳаракатларимизга, буюк келажагимизга уларнинг ишончи кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу жараён барчада ғайрат–шижоат уйғотади, албатта.

Ҳозирда тумандаги ягона иқтидорли ўқувчилар лицей-интернатида 260 ўқувчи таҳсил олаётир. Жамоа яқинда 360 ўринли янги бинога кўчиб ўтди. Барча замонавий қулайликларга эга бу лицейдаги спорт мажмуи, кутубхона, устахона ва лабораторияларда ўқув-тарбия жараёни қизғин кечаётганлигига гувоҳ бўлдик.

Тумандаги Қори-Ниёзий номли 16-умумтаълим мактаби биноси ҳам эски, таъмирталаб аҳволда эди. Қисқа фурсат ичида замонавий кўринишдаги янги бино қуриб битказилди.

— Кўркам ўқув техника воситалари билан жиҳозланган бу ўқув даргоҳи қурилишида "Саид Камол" фирмаси бунёдкорларининг хизмати катта бўлди. Фарзандларимиздек бўлиб қолган ўқувчиларнинг қувончини айтмайсизми! Улар бу эътиборга аъло баҳоларга ўқишлари билан муносиб жавоб қайтаришмоқчи, — дейди мактаб директори Фароғат Тоштемирова.

Туманда кўплаб янги корхоналар ҳам фойдаланишга топширилди. "Зарланиндустрия" масъулияти чекланган жамиятида ўтган йилда гранит плиталари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозир бу ерда 53 нафар киши меҳнат қилади. Корхона Лангар ва Кўксарой конлари харсангтошларидан маҳсулот тайёрлаётир. Ўтган йили жамоада 1 миллиард 262 миллион сўмлик иш бажарилди.

— Одамларга барча қулайликлар яратилган. Махсус техника, иш кийимлари, 2 маҳал бепул иссиқ овқат берилади. Ҳусниддин Раҳматов, Шерзод Эрназаров, Ўктам Каримов сингари жонкуяр ишчиларимиз бошқаларга ибрат бўлишаётир, — дейди жамият раиси Мамадали Абдусаломов.

Корхона фаолияти, унинг ҳамкорлари сафи ҳам ҳам кундан-кунга кенгайиб бормоқда. "Зарланиндустрия" корхонаси "Ташаббус — 2007" кўрик-танловининг вилоят босқичида тадбиркорлик йўналиши бўйича ғолибликни эгаллаб, республика босқичига йўлланма олди.

Яхши ният билан тикланган пойдевор мустаҳкам бўлади, дейдилар. Бу ҳикматнинг маъноси Хатирчи туманида яшаб, меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг саъй-ҳаракатларида намоён бўлаётгани қувончли, албатта.

Бахтиёр ТЕМУР, «Миллий тикланиш» мухбири.

«Андижон ёғ-мой» очиқ акциядорлик жамияти

барча аёлларни
8 март — Халқаро
хотин-қизлар байрами
билан муборакбод этади.
Табаррук момоларимизга,
оқила оналаримизга, иболи
опа-сингилларимизга,
суюкли ва ойжамол
қизларимизга хотиржамлик,
меҳрибонлик, ҳаё ва
муҳаббат доимо ҳамроҳ
бўлсин!

«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

мамлакатимиз аёлларини 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами билан самимий муборакбод этади.

Байрамингиз муборак, азиз опа-сингиллар!

IPOTEKA BANK

«Ипотека банк»ининг Самарқанд вилоят бошқармаси жамоаси

Ўзбекистонимиз аёлларини 8 март шодиёналари билан қутлайди.
Азиз онажонлар, гўзал опа-сингиллар, жажжи қизалоқлар, барчангизга бахт ва шодликлар ёр бўлсин!

«Кува бўстон» хусусий фирмаси

мамлакатимиз хотин-қизларини
8 март — Халқаро хотин-қизлар
байрами билан табриклайди.
Гул-гул юзларингиздан қувончлар
аримасин. Меҳр-муҳаббатли
қалбларингиз доимо
осойишта бўлсин!

СИЗ БОРСИЗКИ,
МУХАББАТ ХАМ БОР!

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети 2-босқич талабаси Феруза МИРЗАЕВА икки йилдирки, устози Тью Тхидан хитой тилини ўрганаяпти. Феруза ажнабий тилга қизиқиб, қунт билан ўрганаётир. У хитой тилида нафақат гаплашади, балки ушбу тилдан таржима ҳам қила олади.

У яқинда "Хитой тили" ўқув дарслигидан ўрин олган ихчам ҳикояларни ўзбек тилига ўгирди.

КЎНГИЛ ОДАМЛАРИ

Болаларнинг гулдастаси

Тонг саҳарда деразасини очган Жў хонимнинг кўзи рўпарасида турган бир дастa гулга тушди. У дарров кўчага чиқиб, атрофга қаради, ҳеч ким йўқ.

Жў хоним бу қишлоққа бошланғич синфларга дарс бериш учун яқиндагина келган, уни жажжи ўқувчилари ва бир-икки ҳамкасбидан бошқа ҳеч ким танимас эди. "Қизиқ, ким менга бундай ажойиб гулларни совға қилиши мумкин", — ўйлади у.

Иккинчи, учинчи куни ҳам худди шу воқеа такрорланди. Жў хонимнинг таажжуби тобора ошиб боргани-дан у бу ҳолатнинг нотаниш сабабчисини топишга қарор қилди.

Бугун у одатдагидан анча эрта уйғонди ва дераза пардаси ортидан унга ҳар тонг гул тақдим этаётган кимса ташрифини кутиб ўтирди. Шу пайт узокдан қўлида гул кўтарган кичкинагина бир бола кўринди. Жў хоним уни таниди. "Муму!", Муму!", — дея гул олиб келаётган болакай ёнига борди. Муму устозига кўзи тушиб довдираб қолди. Жў хоним болага яқин келиб, ажабланиб сўради:

— Муму, ҳар тонг менга гул олиб келишингнинг боиси нима?

— Устоз, биргина мен эмас сизга гул келтираётган. Биринчи кун Сиаогуань, иккинчи кун Минг Линь, учинчи кун Сиаошань. Бугун эса менинг навбатим эди.

— Нега ахир, нима учун?

— Бизнинг Мали исмли устозимиз бор эди, уларни жуда ҳам яхши кўрардик. Лекин Мали опам доим гул олиб келадиган амаки билан кетиб қолдилар. Биз қаттиқ хафа бўлдик. Кейин сиз келдингиз. Сизни ҳам жуда яхши кўриб қолдик. Бироқ сиз ҳам гули бор амаки билан кетиб қолмаслигингиз учун синфдаги барча ўғил болалар келишиб, навбатма-навбат ҳар куни гул совға қилишга қарор қилдик. Устоз, сизга гулларимиз ёқаяптими? Сиз бегона амакининг гулларини севиб қолмайсиз-а?

Жў хоним ўқувчиларининг меҳридан ҳайратланиб, кўзларида қувонч ёшларини арта-арта Мумуни қаттиқ бағрига босди ва: "Мен сизлар билан талаба бўлгунингизга қадар бирга бўламан ва фақат сизнинг гулларингизни яхши кўраман", — дея сўз берди.

Мўъжизавий муҳаббат

Мен уни биринчи марта кўрганимдаёқ ёқтириб қолганман. Унинг катта-катта кўзлари, тим қора сочлари, алп қомати мени ром этган. Юзидан чамаси ўттиз ёшлар атрофдалилиги билиниб турарди. У менга пианинодан дарс берарди...

Ўша йили мен ўн саккизга тўлдим. Баҳор кунларининг бирида онам уни уйга бошлаб келди. У билан таништириб, менга интизомли ўқувчи бўлишим кераклигини уқтирди. Онам пианист бўлишимни астойдил хоҳлар эди. Мен эса мусиқага умуман қизиқмасдим. Лекин устозимнинг мулойим табассуми менда нафақат унга, балки мусиқага нисбатан ҳам меҳр уйғотди.

Биз дарсларни бошладик. Мен устозим берган барча топшириқларни аъло даражада бажарар, иқтидорли ўқувчи бўлишга ҳаракат қилар ва шу орқали унинг меҳрини қозонишга интилар эдим.

Шу тариқа ойлар ўтди. Бир куни устозим дарсга келмади. Ҳайрон бўлдим. Кейинги дарсларни ҳам уни кутиш билан ўтказдим. Орадан икки ой ўтди. Устозимдан дарак йўқ.

Кунларнинг бирида менга хат келди. Хатда устозим автоҳалокатга учраб, икки ой касалхонада ётганлигини ва яқиндагина ўз юрти Японияга қайтиб кетганлигини, энди дарсларга келолмаслигини ёзибди...

Устозимга қуйидаги мазмунда жавоб хати ёздим. "Сизнинг хатингизни ўқиб, роса йиғладим. Сизни яна кўргим келаяпти. Сиз менинг дўстимсиз, санъат билан таништирган, мусиқага муҳаббат уйғота олган, мен севган — менинг устозимсиз. Сизга бўлган меҳрим туфайлигина мен имкониятим даражасидан-да кўпроқ натижаларга эришдим. Муҳаббат билан яшаган инсонгина ақл бовар қилмас мўъжизалар яратишга қодир бўлар экан... Сизга омонлик тилаб ўқувчингиз..."

Гумон

Қадим замонда бир ўтинчи яшаган экан. У ҳар куни эрта саҳарда болтасини олиб, ўрмонга ўтин ёрғани кетаркан. Кунлардан бир кун болтасини йўқотиб қўйибди. Кўп ахтарибди, лекин топа олмабди. Бу ишни қўшнисининг ўғлидан гумонсираб, уни зимдан кузата бошлабди. Йигитнинг ҳар бир ҳаракати, нигоҳи, қадам олиши, ҳатто гап-сўзлари унинг гумонини тасдиқлар ва кўнглидаги қасос олиш ҳисси уни тинч қўймасди.

Кунлар ўтиб, ўтинчи яна ўрмонга борибди. Ўтин йиғиб туриб, ерда ётган болтасига кўзи тушибди. Ўтган сафар ўтинга келганида шу ерда унутиб қолдирган экан-да!..

Ўтинчи уйга қайтиб келиб қўшнисининг ўғлига беихтиёр яна зимдан назар ташлабди ва йигитнинг хатти-ҳаракати, кўз қараши, юриш-туриши, ҳеч бир сўзи ўғри одамларга ўхшамаслигига амин бўлибди...

Она

Шинамгина хонадонда елиб-югураётган аёл гоҳ чақалоғини йиғидан овутмоқчи бўлар, гоҳ оиласи учун тушлик тайёрлашга уринар эди. Шу вақт эшик тақиллаб қолди. Аёл дарвозани очиб, қўшнисидан онасининг бетоб бўлиб қолганини эшитди-ю, бор дунёни унутди. Кўзига ҳеч нарса кўринмасди, кийим-кечагини ҳам алмаштирмай, чақалоғини қўлга олиб, икки мавзе нарида яшовчи онасининг уйи томон югурди. Етиб келиб, унга дарров дори-дармон қилди. Онасининг аҳволи бироз яхшилангандай бўлди. Аёлнинг кўнгли бироз тинчиди ва жажжи боласини қўлига олмоқчи бўлди-ю, таажжубда турган жойида қотиб қолди! Аёл ҳовлиқиб уйига қараб югурди. Келиб қарасаки, чақалоқ ўз ўрнида ширингина бўлиб ухлаб ётибди!

Онасининг оғир дардидан эсанкираб, нима қилаётганини билмай қолган аёл кароватдан гўдагини оламан деб, болишни кўтарганча йўлга тушган экан.

Аёл фарзандини бағрига маҳкам босиб: "Кечир, болажоним, онамни деб сени унутаёздим, аммо билки, менинг онам бўлмаганида сенинг онанг ҳам бўлмас эди. Мен учун энг азиз инсон волидам. Йиллар ўтиб сенинг ҳам энг яқининг — онанг бўлишини хоҳлайман", — деди шивирлаб.

Жаҳон адабиёти

Жаҳон ҳафта ичида

ЭНГ ҚАДИМИЙ БОЗОР

Афина жанубида археологлар янги обида топишган. Греция Маданият вазирлигидан олинган хабарларга кўра, ушбу бинолар комплекси ўз вақтида бозор вазифасини ўтаганлиги тахмин қилинмоқда.

Топилма эрамиздан олдинги IV-V асрларга тегишли. Ушбу комплекснинг асосий биносида 12 та хона бўлиб, уларнинг аксарияти дўкон вазифасини ўтаган. Улардан бири эса кичкина ибодатхона бўлган. Бино хоналаридан жуда кўплаб қадимий тангалар, амфора ва қўрғошинли қуймалар ҳам топилган.

Дунёдаги энг машҳур агора ҳам Афинада жойлашган. Айни дамда у очиқ осмон остидаги музей сифатида сақланмоқда.

400 МИЛЛИОН ЕВРОГА БИР СЎЗ

Парижнинг Лувр музейи ўз номини Бирлашган Араб Амирликларида бунёд этилаётган янги музейда ҳам ишлатишга рухсат берди. Фақат бунинг учун БАА шайхлари 400 миллион евродан воз кечишига тўғри келди. Абу-Дабида бунёд этиладиган янги музей ҳақиқий Луврнинг филиали саналади. Филиалнинг умумий нархи эса бир миллиард евро атрофида баҳоланмоқда. Янги музейни барпо этиш ҳақидаги шартнома эса 6 март куни имзоланди.

Музейнинг лойиҳаси архитектор Жан Нувел қаламига мансуб. Қурилиши 2012 йилда битадиган ушбу музейда нафақат Лувр, балки Орсе ва Версал музейларидан ҳам экспонатлар намойиш этилиши кўзда тутилмоқда.

Францияда эса Лувр филиалининг бунёд этилишини яхши кутиб олишмади. Танқидчилар музей маъмуриятини "руҳни сотиш"да айбламоқда. Боиси, келажакда музейда сақланаётган ноёб экспонатларнинг кўпчилиги Абу-Дабидаги филиалда сақлаш учун олиб чиқиб кетилади. 4650 нафар киши Франция президенти Жак Ширакка хат йўллаб, ушбу келишувга йўл қўймасликни илтимос қилган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

O'ZSANOATQURILISHBANK

ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК
ЖАМОАСИ
меҳрибон
онахонларимизни
ва опа-сингилларимизни
8 Март
баҳор байрами
билан табриклайди.
Барча аёлларимизга
соғлиқ, бахт
ва оилаларига тинчлик
тилайди!
Азиз аёллар!
Уйингизда ҳамиша қувонч ва хотиржамлик,
тотувлик ва тўкин-сочинлик бўлсин!

Олмалиқ шаҳридаги
«Tash – KVA-TRANSSERVIS» масъулияти
чекланган жамият жамоаси
юртимиз аёлларини 8 март – Халқаро хотин-қизлар аёми билан муборакбод этади.
Аёлларимизнинг юзларидан табассум, қалбларидан қувонч аримасин! Муҳаббат, саодат,
садоқат барчангизга ҳамроҳ бўлсин!

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH
Миллий тикланиш — миллат келажаги

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — факс: 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-73
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи – 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г – 223.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2358
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

2 3 4 5 6

Босишга топширилди 20.30

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Миллий тикланиш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2007-yil, 14-mart, chorshanba, 10 (393)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

Олмалиқ шаҳрида истиқомат қилувчи ҳунарманд Абдумўмин Давлатов 30 йилдирки, сандиқ, бешик сингари миллий уй-рўзғор буюмларини ясаш билан шуғулланиб келади.

— Бу ҳунарни биринчи устозим — отам Тўйчи Давлатовдан ўрганганман, — дейди у. — Фарзандларим, шогирдларим Бахтиёр Абдуназаров, Абдураим Хидиров, Ҳусан Умировларга ҳам билганларимни ўргатиб келаяпман. Халқимиз айтганидек, ҳунарли киши хор бўлмас экан.

Азамат АҲМАД олган сурат.

Қадрият

НАВРЎЗ — ИНСОНПАРВАРЛИК, МЕҲР-ОҚИБАТ БАЙРАМИ

Урф-одатлар, расм-русумлар, анъаналар инсоният тараққиётида муҳим ўрин тутади. Улар ҳаётий зарурат туфайли пайдо бўлган ва халқнинг турмуш тарзи, руҳияти, маънавий дунёси, орзу-истакларини ифода этиб, жамиятнинг маънавий-ахлоқий ривожланишига катта таъсир қилган. Анъаналар мазмунан ҳар бир миллатни, халқни, элатни эзгуликка, инсонпарварликка, яхшиликка чорлайди. Улар давр талаби билан ҳам шаклан, ҳам мазмунан янгиланиб боради.

Баъзи бир анъаналар ўзининг ижобий таъсирига, умрбоқийлигига кўра маънавий қадрият даражасига кўтарилади. Шарқ халқларининг ана шундай умрбоқий маънавий қадриятларидан бири Наврўздир. Бу байрам бир неча минг йиллик тарихга эга.

Наврўз — яшариш, табиатнинг уйғониши билан боғлиқ янги куннинг бошланишидир. 21 март кеча ва кундуз тенглашган кун — Янги йил, яъни Наврўз байрами сифатида Шарқ халқлари томонидан кенг нишонланади. У деҳқон учун экин-тикин ишларининг бошланиш палласи ҳисобланади. Буюк мутафаккир Алишер Навоий бу кунни шундай таърифлайди:

Васли аро кўрдим, тенг эмиш бўйию сочи,
Тун-кун экан, зоҳир ўлур бўлди чу Наврўз.

Бу мисралардан "Висолига эришгач, кўрдимки, маҳбубамнинг бўйи билан узун сочи (оқ бадан билан қора сочи) Наврўздаги кеча билан кундуздек тенг экан", деган маънони англаймиз.

Наврўз жуда қадимий байрамдир. Унинг кўҳна ва навқирон айём эканлигини мутафаккир алломаларимиз ўз асарларида ёзиб қолдирганлар. Дарҳақиқат, Абу Райҳон Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар", Умар Ҳайёмнинг "Наврўзнома", Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома", Хўжа Али Термизийнинг "Наврўзнома", Алишер Навоийнинг "Садди Искандарий" асарлари Наврўз ва унинг пайдо бўлиш тарихи, у билан боғлиқ урф-одатлар, расм-русмлар ҳақида муҳим маълумотларни берувчи қимматли манбалардир.

Ота-боболаримиз, буви-момоларимиз бу байрамни нишонлаб, турли-туман, ранг-баранг удум ва маросимлар ўтказишган. Қадимда аждодларимиз Наврўз кунлари ёзлоқларга кўчиб ўтишган. Далаларда баҳорги экин-тикин ишлари бошланиб кетган. Деҳқонлар ерга қўш солишган. Жамоа-жамоа бўлиб, ҳашарлар уюштиришган. Ўтган аждодлар руҳи ёд қилинган. Оммавий равишда мевали, манзарали дарахтлар ўтқазилган.

Аждодларимиз Наврўз байрамига атаб махсус кийимлар тикишган ва уларни кийиб, байрам қилишган. Наврўз таомлари ҳам ўзига хос бўлган. Улар орасида, айниқса, сумалак, ҳалим тайёрлаш анъанавий тусга кирган. Бу байрамда болаларнинг иштироки жуда фаол бўлган. Улар турли оммавий байрам ўйинларини ўйнаганлар. Отўйин, чиллак, қўғирчоқ, тошўйин, лапар айтиш ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Ёшу-қари сумалак пиширишда маросимида фаол иштирок этиш учун анча илгарироқ тайёргарлик кўришган.

Бу жараёнларда турли-туман халқ ўйинлари, баҳор қўшиқлари ижро этилган. Китобхонлар беллашуви, турли жисмоний тарбияга оид совринли ўйинлар, мусобақалар ташкил этилган. Кўпкари-улоқ, кураш ўйинлари, ҳайвон ва паррандаларни уриштириш, масхарабозлик, аскиябозлик, дор ўйинлари, турли хил халқ томошалари ўтказилган.

Наврўз — меҳнат, меҳр-оқибат, инсонпарварлик байрамидир. Бу кунда марҳумларнинг қабрлари зиёрат қилинади. Кекса, ногирон, ёлғиз қариялар, ота-оналар йўқланади. Кишилар бир-бирларига совға-саломлар улашиб, ширинликлар ҳадя этишади.

Наврўз — муҳаббат, севги, садоқат байрами. Шу муносабат билан никоҳ тўйлари ўтказилган. Йигит-қизлар бир-бирлари билан аҳду паймон қилишган. Янги тушган келин қўлидан чой ичиш мақсадида "келин кўрди"га борилган.

Наврўз — дўстлик, биродарлик байрамидир. Ушбу кунни нафақат Шарқ халқлари, балки миллати, дини, эътиқодидан қатъи-назар, барча байрам қилади.

Наврўз ёшларни комил инсон қилиб тарбиялаш воситаси бўлиб, у ўзига хос тарбия мактаби ҳамдир. Наврўз табиат билан кишиларнинг ўзаро муносабатини англатадиган Шарқ халқлари ҳаётидаги энг муҳим оммавий байрамдир.

Иззат АҲМЕДОВ.

Партия ҳаёти

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ — ЮКСАЛИШ ДЕМАК

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг вужудга келиши миллий қадриятларимиз замонавий демократия тамойилларига мослигини, уларни асраб-авайлаш давлатимиз тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Бу ҳол мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар ва партиянинг бу жараёнлардаги фаолиятида ўз ифодасини топмоқда.

Бугунга келиб партиянинг вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари фаолияти ҳам жонланиб бормоқдаки, буни Шаҳрисабз туман кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Айниқса, туман кенгашининг ўтган йилдаги фаолияти самарали бўлди. Турли ташкилот ва корхоналар, маҳалла фуқаролар йиғинларида, мактаб ва коллежларда долзарб мавзуларда учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Партия аъзолари турли тадбирларни ўтказишда, ташкилий ишларда фаол қатнашиб келмоқда. Қарши шаҳрида бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» спартакиадаси ва Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйи тантаналари иштрокчиларини кузатиш ва кутиб олишда партия фаоллари ҳамда бошланғич партия ташкилотларининг котиблари ибрат кўрсатишди.

Туман кенгаши, унинг бошланғич партия ташкилотларида аъзолар сонининг ортиб бораётгани ҳам қувонарли. Ўтган йили партия сафларига 85 нафар янги аъзо қабул қилинди. 4 та бошланғич партия ташкилоти тузилди. Ҳозирги кунда тумандаги партия аъзолари сафида 300 нафарга яқин киши бор.

— Президентимиз Ислом Каримов томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг муҳокамага қўйилиши, — дейди партиянинг Шаҳрисабз туман кенгаши раиси Баҳодир Саидов, — юртимиздаги сиёсий партиялар зиммасига катта масъулият юклайди. Шундай экан, келгусидаги ишларимизга ҳозирдан бошлаб мустаҳкам замин тайёрлаб боришимиз керак. Шунга кўра, биз ҳам туман кенгаши фаолиятини яхшилаш, юртдошларимиз билан янада яқинлашиш, уларнинг қувончларига ҳамдам, ташвишларига шерик бўлиб яшаш мақсадида бир қатор вазифаларни ўз олдимизга қўйганмиз.

Лекин партиямиз фаолиятида ҳали жиддий камчиликлар ҳам бор. Масалан, кўпгина партия аъзолари ва бошланғич ташкилотларнинг фаолияти суст. Аъзолар сони секинлик билан ўсмоқда. Олдимизда эса муҳим ва масъулиятли вазифалар турибди. Фермер хўжаликлари, якка тартибдаги жисмоний шахслар, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, айниқса, бошланғич партия ташкилотлари ва партия аъзолари фаолиятини кучайтиришимиз зарур.

Биз «Миллий тикланиш» демократик партияси Шаҳрисабз туман кенгаши фаолияти билан танишар эканмиз, халққа хизмат қилишдек эзгу мақсад ва миллий тикланиш ғоялари асосида иш юритаётган кенгаш аъзоларининг ишлари бундан-да самарали бўлишига ишондик.

Қаршибой БЕРДИЕВ, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Сирдарё туман кенгаши ташаббуси билан "Илм — имкониятлар сари етаклайди" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Хоразм вилоят кенгаши томонидан "Сен азиз ва муқаддассан, аёл" мавзуида байрам тадбири ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Бухоро шаҳар кенгаши ташаббуси билан "Жаннат оналар оёғи остидадир" мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Ғузор туман кенгаши томонидан "Аёлларни эъзозлайлик" мавзуида байрам тадбири ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Тўрақўрғон туман кенгаши хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда "Аёл дунёни тебратар" мавзуида тадбир уюштирди.

* * *

Партиянинг Қарши шаҳар кенгаши ташаббуси билан "Экология ва ёшлар" мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши ташаббуси билан "Олам гўзаллиги сендадир аёл" мавзуида байрам тадбири ўтказилди.

* * *

Партиянинг Нукус шаҳар кенгаши томонидан "Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ва сиёсий ҳаётда ёшларнинг иштироки" мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

* * *

Президентимизнинг "Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарори асосида ЎзМТДП Самарқанд шаҳар ва Шаҳрисабз туман кенгашлари ташаббуси билан тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Наманган туман кенгаши томонидан "Аёл билан мунаввар олам" мавзуида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

* * *

Партиянинг Қарши шаҳар кенгаши ташаббуси билан "Соғлом турмуш тарзи — саломатлик гарови" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.

Мерос

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА МАЪРИФАТ

Ўрта асрларда Мовароуннаҳр дунёвий илмларнинг муҳим марказларидан бири бўлиши билан бирга диний-исломий маърифатнинг ҳам энг муҳим масканларидан ҳисобланган. Темур ва темурийлар даврида жамиятнинг ижтимоий-маданий ҳаётида диний тафаккур муҳим аҳамият касб этган. Амир Темур дин пешволари билан яқин муносабатда бўлиб, уларга ҳар томонлама ҳурмат-эҳтиром кўрсатган, пири-муршидлар, маънавий устозларини ҳурмат қилиб келган.

Темурийлар даврида шариат қонун-қоидаларига қатъий амал қилинган. Ибн Арабшоҳ шундай ҳикоя қилади: «Темур шайх (Шамсуддин ал-Фохурий)нинг ҳузурига кирганда у ўзининг муриди мухлислари билан чуқур ўйга толган ҳолда Аллоҳнинг зикри-самараларидан тўхтаб, ўзларига келгунларича, Амир Темур тик тураверди. Шайхнинг назари унга тушиши билан Темур шайхнинг қўлларини ўпишга шошилди. Шунда шайх ўз жамоасига: «Эй, жамоат! Сиз унинг ҳақига дуо қилиб, истаган муродига етиши учун унга мадад берингиз», деди. Шайхнинг ушбу дуосини Амир Темур ўз муваффақиятларини энг биринчи сабаби деб ҳисоблайди».

Амир Тмеурнинг пирларидан бири Саййид Барака эди. Саййид Барака асли Макка аҳлидан бўлиб, 1370 йилда Балх қалъаси эгалланишидан аввал Амир Темур ҳузурига келиб, унга бир ноғора ва байроқ тутқазган ва унинг келажаги порлоқ бўлишини башорат қилган. Соҳибқирон доимо азиз-авлиёларнинг ҳурматини бажо келтириб, улар хотирасига алоҳида эҳтиром билан қарарди.

Амир Темурнинг азиз авлиёларга, дини исломнинг ҳомийларига муносабати «Темур тузуклари»да батафсил баён қилинган: «Мен шундай талаб қўйдимки, пайғамбарнинг авлодлари, уламолар, машойихлар, фузало, акобир ва ашрофларни азиз тутсинлар». Қатор манбаларда келтирилишича, Амир Темур юлдузларга қараб фол очишда фақат Қуръони Каримга асосланиб иш тутишни афзал кўрган. Соҳибқирон бошқа давлатлар, айниқса мусулмон давлатлари бошлиқларига йўллаган мактубларида Қуръон оятларидан кўп фойдаланар эди.

Масалан, 1393 йили Миср султони Барҳуққа жўнатган иккинчи мактубида Соҳибқирон тегишли ўринларда етти марта муқаддас китобдан оятлар келтириб ўз фикрини ифода этган. Соҳибқирон шариат арконларини мустаҳкамлаш, дини ислом қонун-қоидаларига қатъиян риоя этишга алоҳида эътибор берган. Шариат қонун-қоидаларига хилоф иш қилганларни қаттиқ жазолаган. Адолат ва қонунларга амал қилиш Амир Темур фаолиятининг таркибий асосларидан эди. Дини исломни ёйишга у бутун куч-қудратини сарфлади. Шу боис ҳам базни номусулмон давлатлари — Туркистон, Арманистон, Ҳиндистонга юриш қилганда аввало у ўша мамлакатларда ислом динини ёйиш, жорий қилиш, у жойларда мусулмонларга кўрсатилаётган жабр-зулмни бартараф қилишга интилган.

«Шубҳасиз, Амир Темур уламолар ҳомийси эди, улар билан теппа-тенг суҳбатлашарди, пайғамбар авлодларига алоҳида ҳурмат билан муносабатда бўларди. Амир Темур эътиқод ва шариатни мустаҳкамлаш борасида ғамхўрлик қилди», деб ёзади В.Бартольд.

Амир Темур ва унинг авлодлари — темурийлар саройларида хилма-хил мавзулардаги китоблар ва нодир қўлёзмалар сақланадиган бой кутубхоналар — «Дор ул-кутуб», яъни китоблар уйлари фаолият кўрсатар эди. Ҳукумдорлар бу билим хазиналарини муттасил янги қўлёзмалар билан бойитиб бориш тўғрисида ўйлаб, ғамхўрлик билан шу мақсад учун керакли маблағни ажратар эдилар.

Мисрлик йирик олим Ибн Хожар ал-Асқалоийнинг буюк муҳаддис Имом ал Бухорийнинг «Ал-жомеъ ас Саҳийҳ» асари шарҳига бағишланган ўн уч жилддан иборат «Фатх ал-бирий бишарҳи саҳийҳ ал Бухорий» номли йирик асари ислом оламида машҳур. Кўп султонлару подшоҳлар ўз кутубхоналари учун ал-Асқалоий шарҳини топиб келтиришга ҳаракат қиладилар. Соҳибқирон ҳам уламолари яратган ана шундай қимматли ва нодир асарларни Самарқандга олиб келишда жонбозлик кўрсатган.

Амир Темур ислом дини ҳомийси сифатида кўпгина эзгу ишларни амалга оширди. У давлат ишларига исломий маданият, ор-номус, диёнат, ҳақгўйлик каби хислатлар билан ёндошиб, бошқаларга ўрнак бўлди. Темурийлар даврида илму маърифатга эътибор юксалди. Бунда, албатта, соҳибқироннинг раҳнамолиги, мустаҳкам эътиқоди, маърифатпарварлиги қўл келди. Тарих саҳифаларини ёритиб турган бу эзгу фазилатлар бугуннинг ёшларига ўрнак бўлмоғи керак. Зеро, ҳаётнинг ўзи катта мактабдир.

Азизахон ЗАЙНУТДИНОВА, фалсафа фанлари номзоди, доцент.

Жараён

Муҳим масалалар муҳокамаси

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қарши шаҳар кенгаши жойларда турли тадбирлар, йиғилишлар, давра суҳбатлари ўтказмоқда. Яқинда кенгашнинг навбатдан ташқари коференцияси бўлиб ўтди.

Иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотган мазкур анжуман партиянинг мақсад ва вазифаларини ўзида мужассам этди.

Конференцияни шаҳар кенгаши раиси Даврон Кесимов бошқарди. Анжуманда асосан "2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурини бажаришда партия фаоллари олдида турган вазифалар, жойларда фаолият юритаётган бошланғич партия ташкилотлари ишини яхшилаш ҳамда партия сафларини ҳалол, пок ёшлар ва хотин-қизлар билан кенгайтириш, кенгашнинг келажак даврига оид ваколатларини тасдиқлаш масалалари муҳокама қилинди. Кўрилган масалалар юзасидан "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши аъзоси, Қарши давлат университети доценти Музаффар Ражабов, шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари, университет кафедра мудири Очил Бўриев ва бошқалар сўзга чиқишди.

Конференцияда шаҳар партия ташкилотининг фаолиятини кучайтиришга доир қарор қабул қилинди.

Жуманазар АНОРОВ, «Миллий тикланиш» мухбири.

Маслаҳатчилар ўқуви

Навоий вилоятидаги маҳалла маслаҳатчиларининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ва ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган ҳудудий ўқув семинарлари ўтказилмоқда.

Навоий шаҳридаги маданият ва санъат коллежида вилоят пойтахти, Кармана, Қизилтепа, Навбаҳор, Нурота ва Хатирчи туманларида фаолият кўрсатаётган 250 нафар, Зарафшон шаҳар ҳокимлиги биносида эса бу шаҳар билан Томди, Учқудуқ ва Конимех туманларида фаолият олиб бораётган 45 нафар маҳалла маслаҳатчиси бир ҳафта давомида ўз билимларини оширишади.

Ўқув семинарлари асосан Тошкент Ислом университети профессор-ўқитувчилари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, республика Хотин-қизлар қўмитаси мутахассислари томонидан ўтказилмоқда. Уларда вилоят ташкилотлари мутасаддилари ҳам иштирок этишмоқда.

Маҳалла маслаҳатчилари ўқув семинарлари давомида миллий ғоя тарғиботи, оила ва никоҳ муносабатлари, маҳалла бошқарувида хотин-қизларнинг ўрни, миллий ва диний қадриятлар, тадбиркорлик, сиёсий партиялар ва уларнинг хотин-қизлар ҳаётидаги ўрни мавзуларида ўз билим ва кўникмаларини кучайтириш имкониятига эга бўлишмоқда.

Дилбар РАЗЗОҚОВА.

Фармон ва ижро

ТАЪМИНОТДА УЗИЛИШ БЎЛМАЙДИ

Мустақилликка эришганимиздан сўнг ислоҳотлар юқоридан қатъий бошқариб келинган савдо тизими занжирларини ҳам парчалаб юборди. Биз ўз ҳаёт тарзимизга хос миллий савдо-сотиқни йўлга қўя бошладик. Бу борада дастлаб янглишишлар ҳам бўлгани боис тизимда оз муддат назорат сусайиб, таъминотда баъзан узилишлар бўлди, ҳатто йирик-йирик савдо мажмуалари сотилиб, бузилиб кетди. Айниқса, қишлоқ туманлари, тоғли ҳудудлар, марказ билан алоқа қилиш муаммо бўлган овуллар аҳолиси кундалик эҳтиёж молларини топишда, топганда ҳам нарх-навосида қийналиб қолди. Аҳволни бу тарзда қолдириш эса асло мумкин эмас эди. Айта оламизки, Президентимизнинг 2006 йил 23 февралда қабул қилган «Улгуржи ва чакана савдони либераллаштириш ҳамда уни ривожлантириш учун қулай шарт шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони соҳада ижобий томонга ўзгаришни бошлаб берди.

Узоқ қишлоқлар аҳолисига ҳам кўнгилдагидек савдо хизмати кўрсатишнинг қонуний асослари яратилганлиги қисқа вақтда дастлабки самарасини бера бошлади. Қишлоқ туманлари, узоқ қишлоқларда ҳам бирин-кетин савдо дўконлари очилиб, фаолиятини бошлади. Масалан, Самарқанддаги озиқ-овқат маҳсулотлари улгуржи савдосини ташкил этишга ихтисослашган «Самарқандгўштсутсавдо» очиқ турдаги акциядорлик жамияти мавжуд 36 та савдо шахобчаси сонини 56 тага етказди, яъни узоқ қишлоқларда 16 та, тоғли ҳудудларда 4 та янги шахобча очди. Худди шунингдек, ноозиқ-овқат маҳсулотлари улгуржи савдосига ихтисослаштирилган «Ноҳид» масъулияти чекланган жамияти ҳам қишлоқларда 9 та, тоғли ҳудудларда 2 та янги савдо дўконлари фаолиятини йўлга қўйди. Эндиги мақсад бошланган ана шу хайрли ишни жонлантиришдан, дўконларни кўпайтириб, таъминотда узилишларга йўл қўймасликдан, хизмат маданиятини юксалтиришдан иборат эди.

— Бу масалада Президентимизнинг 2006 йил 8 июнда қабул қилган «Ихтисослаштирилган улгуржи база-конторларига солиқ солиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори бизга катта мадад ва рағбат бўлди, — дейди «Самарқандгўштсутсавдо» очиқ турдаги акциядорлик жамияти директори Асад Мусаев. — Шу асосида солиқ имтиёзлари ҳар чоракда 13-15 миллион сўмни ташкил этмоқда. Корхонамиз ихтиёрида қолаётган ушбу маблағлар биринчи галда қишлоқлардаги юртдошларимизга кўрсатилаётган савдо хизматини яхшилашга, маҳсулотлар турини кўпайтиришга йўналтирилади, албатта. Айни маҳалда Нуробод, Қўшработ, Ургут сингари тоғли туманларда ишлашга аниқ режа асосида киришганмиз. Масалан, Ургут туманида 5 та корхона билан келишув шартномалари тузилган. Уларга қарашли чакана савдо корхоналарининг 24 таси узоқ тоғ сойликларида жойлашган. Ўтган йили чакана савдо корхоналари билан жами 5 миллиард сўмлик шартномалар тузилган эди. Шу асосда йил давомида биргина шакарнинг ўзидан 200 тонна, ўсимлик ёғидан 400 тонна етказиб берилди. 1000 тонна ун, 100 тонна хўжалик совуни ва бошқа шунга ўхшаш ҳамиша зарур маҳсулотлар таъминотида узилишларга йўл қўйилмади.

Нарпай туманидаги «Қозоқоёқли» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли қишлоқларда бир пайтлар ишлаб турган аралаш моллар дўконлари ёпилиб кетганлиги сабабли бу ерда яшовчилар арзимас бўлса-да, рўзғорга керак бўладиган туз, ёғ, гуруч, шакар, совун, борингки, гугурт учун ҳам узоқ йўл босиб, туман марказига ёки Самарқанд шаҳрига бориб келишга мажбур бўлиб қолишганди. Ҳозир улар «Самарқандгўштсутсавдо» раҳбариятидан миннатдор. Мушкулини осон қилаётгани учун жамият аъзоларига узоқ туманлардан раҳматнома йўллаётган маҳаллалар сони кўп.

Бир сўз билан айтганда, юқори даражада савдо хизмати кўрсатиш ҳамиша долзарблигича қолади. Аслида мамлакатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган Фармон ва қарорларидан кўзда тутилган мақсад ҳам шундан иборат.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Сўз партия етакчиларига

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР – ҚАНОТИМИЗ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам мамлакатимиздаги бошқа сиёсий партиялар қатори аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаб олиб иш юритмоқда. Партиямиз сафига кирган ҳар бир юртдошимиз зиммасидаги бурчни англаган ҳолда баҳолиқудрат миллий қадриятларимизни эъзозлаш, асрий анъаналаримиз замиридаги эзгу ғояларни ёш авлоднинг қалбига, онгу шуурига олиб киришга интилмоқда.

Сурхондарё вилоят кенгашида ҳам кейинги йилларда иш сезиларли даражада яхшиланди. Қизириқ туман кенгаши фаолиятида ҳам буни кўриш мумкин. Партиямиз сафлари жамиятимизнинг фаол зиёлилари, илғор, ҳаракатчан ёшлар билан янада кенгайиб бормоқда. Ҳозирда туманимизда 10 та бошланғич партия ташкилоти иш юритаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Партиямизнинг бош мақсади — миллий манфаатлар замиридаги янги ўзбек давлатчилиги асосларини яратиш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир. Ўзбекистоннинг жаҳоннинг етакчи давлатлари қаторидан муносиб ўрин топиши йўлида миллатимиз, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги муҳим ўрин тутади, албатта. Сиёсий партиялар ҳам ўз ўрнида миллат манфаатларини кўзлаб, одамлар орасида бирдамликни таъминлашга интилади. Ҳамма эзгу тадбирлар биринчи навбатда шу ҳамжиҳатликдан бошланади.

Халқимизнинг бой тарихи, миллий урф-одатлари, аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси ҳамиша фахр-ифтихор туйғусини уйғотади дилимизда. Миллий қадриятлари ҳар бир халқнинг бебаҳо бойлигидир. Азалий қадриятлар она сути, ота ўгити билан инсоннинг қон-қонига сингиб боради. Ҳар бир миллат вакилининг ўзлиги унинг юриш-туришида намоён бўлади. Иймон-эътиқод, меҳр-оқибат сингари эзгу фазилатлар асрлар оша миллатимиз учун яхши одат, унутилмас анъана бўлиб келмоқда. Ана шу эзгу хислатларни дилимизга сингдириш, кўнглимизда сақлаш, келажак авлодларга етказиш учун ҳам миллий тикланиш руҳида яшамоғимиз керак, назаримда. Партиядошларимиз ҳаётимизда ана шу фазилатлар устувор бўлишига интилади доим.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий партияларнинг ижтимоий-сиёсий фаолият юритишини таъминлайдиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракцияларининг фаолияти тобора жонланмоқда. Вилоятлар, шаҳар ва туманлардаги партия кенгашлари фаолияти ҳам жонланиб бормоқда. Ҳар бир ҳудудда яшовчи аҳолининг сиёсий онги ошиб боришида ҳам партияларнинг ўрни сезилаётир. Аҳоли турмуш тарзининг янада яхшиланиши, мавжуд муаммолар ечимининг топилишида партиядошларимизнинг саъй-ҳаракатлари, муносиб хизматлари бор.

Партия кенгашларининг жойлардаги вакиллари олиб бораётган фаолият Марказий кенгаш ишига таъсир кўрсатишини ҳисобга олсак, бошланғич партия ташкилотлари ишини янада яхшилаш, улар сонини кўпайтиришга эҳтиёж сезилади. Бу борада барчамиздан бирдек фаоллик ва фидойилик талаб этилади. Бир сўз билан айтганда, бошланғич ташкилотлар партиянинг ҳам юраги, ҳам қанотидир.

Алишер АШУРОВ,
ЎзМТДП Сурхондарё вилояти Қизириқ туман кенгаши раиси.

Ислоҳот инсон учун

Навоий юксалиш пиллапоясида

Навоий вилоятида амалга оширилаётган кўплаб хайрли ишлар ҳам эзгу мақсад йўлидаги бунёдкорлик тарихи саҳифаларидан ўрин олди. Саноат ва иқтисод такомиллашиб, янги-янги маҳаллий ва қўшма корхоналар ишга туширилиб, тадбиркорлик, фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланмоқда. Юрт келажаги бўлмиш ёш авлод таълим-тарбияси билан боғлиқ ишлар кўлами ҳам кенгайиб, янги коллеж ва мактаблар, олий ўқув юртлари бинолари, маънавият-маърифат масканлари ишга туширилди.

Бир вақтлар саҳродан иборат бўлган замин узра қад ростлаган Навоий, Зарафшон ва Учқудуқ каби шаҳарлар бугунги кунда нафақат ўлкамиздаги балки дунёдаги энг ривожланган шаҳарлар сафидан ўрин олди. Мустақиллик ҳар биримизга беқиёс ҳурлик ва тенглик бахш этдики, бу кўп асрлар аждодларимиз орзу қилган саодатдир. Буни вилоятда истиқомат қилаётган ўнлаб миллат ва элат вакиллари эътироф этаётир. Вилоятдаги 8 та миллий-маданий марказ, нодавлат ташкилотлар, партияларнинг ўзаро ҳурмат-эҳтиром, ҳамжиҳатлик ғояларига ошуфта фаолият юритаётгани ҳам қувонарли.

Кон-металлургия комбинати, "Қизилқумцемент", "Навоийазот" ва бошқа кўплаб корхоналар қаторида янги қўшма корхоналар ҳамда ишлаб чиқариш жамоаларининг пайдо бўлиши, модернизациялашуви нафақат вилоят, балки республика иқтисодиётига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилаётир. Уларнинг бозор иқтисодиёти шароитига мослашиб, такомиллашуви билан бир қаторда, тадбиркорлик ва фермерлик янги ривожланиш уфқларига юксалди. Бу республика Президенти ташаббуси билан ўтказиб келинаётган "Ташаббус" танловининг Навоий шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройида ўтказилган вилоят босқичида ҳам ўз ифодасини топди. Танловда тадбиркорлик, фермерлик ва ҳунармандлик йўналишлари бўйича шаҳар ва туман танловларида ғолибликни эгаллаган 25 хусусий тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар, ишлаб чиқариш соҳиблари иштирок этди. Хатирчи тумани вакиллари бўлмиш "Зарланиндустрия" МЧЖнинг гранит ва мармар маҳсулотлари ҳамда "Истиқлолнинг 10 йиллиги" фермер хўжалиги, шунингдек, нуроталик ёш ҳунарманд Гулбаҳор Қодированинг каштачилик соҳасидаги ишлари танлов ҳайъатининг энг юқори баҳоларини олди.

Кўрик-танловларда иштирок этиб республика босқичига чиқиш бугунги кунда тадбиркордан юксак масъулият, маҳсулотлар рақобатбардошлиги каби қатор сифатларни талаб қилаётгани сир эмас. Қисқа фурсатда маҳсулотлари Россия ва МДҲ бозоридан ўрин олаётган "Зарланиндустрия" ҳайъат хулосасига кўра, юқори ўринга муносиб деб топилди. Деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик каби сермашаққат соҳа вакиллари бўлмиш 6 нафар фермер фаолияти ҳам ҳайъат иштирокчиларининг қизғин баҳс-мунозараларига сабаб бўлди. Чевар қиз Гулбаҳорнинг фаолияти эса олис Нуротадек гўша ёшлари ҳам сидқидилдан киришсалар улар учун муваффақиятлар эшиги ҳар қачон очиқлигини яна бир бор намойиш этди. Голиблик шоҳсупасидан ўрин олмасада, ўз бизнесини, хусусий фаолиятини йўлга қўйган ўнлаб, юзлаб юртдошларимизнинг саъй-ҳаракати юртимизда келажаги ишончли ва сермаҳсул иқтисодиёт барпо этилаётганидан дарак беради.

"Микрокредитбанк"нинг "Кармана" филиали бошқарувчиси Юсуф Раҳимов тажрибали иқтисодчилардан. У ёш бўлишига қарамасдан бир неча йиллардан буён раҳбарлик қилиб, пухта режалар асосида иш кўриб келади. Бу жамоа фаолияти такомиллашувида ўз аксини топмоқда. Банк ўз фойдаси ҳисобидан 151 миллион сўм сарфлаб, ўз биносини реконструкция қилди. Бунда "Тараққиёт сари" қурилиш шўъба корхонасининг хизмати катта бўлди. Замонавий жиҳозланган ушбу даргоҳда 42 киши меҳнат қилади. Ўтган йили 6 нафар ёшлар олий ўқув юртини битириб, бу ерга ишга келди.

— Шу кунгача 66 нафар якка тартибдаги тадбиркорга 45 миллион 99 минг сўмлик, жумладан 84 жисмоний шахсга 374 миллион 800 минг сўмлик, 7 ташкилотга ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида 9 миллион 400 минг сўмлик кредит берилди. Ҳозир 1171 мижозга хизмат кўрсатилмоқда, — дейди бошқарувчи муовини Азамат Тошев.

— Ушбу банк хизматидан бағоят мамнунман, — дейди "Учқун" фермер хўжалиги раиси Ҳамза Қўчқоров. — 10 гектар ерим бор, яқинда 4 миллион сўм кредит олиб, янги трактор олдим. Ўтган йилда ҳам деҳқончилик учун 3 миллион олганман.

Бахтиёр ТЕМУР,
"Миллий тикланиш" мухбири.

Ўзбекистон - умумий уйимиз

Ер юзининг турли минтақаларида можаролар юз бераётган бир даврда ўлкамизда 140 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ўзларининг қадимий урф-одатлари, анъаналари, маданияти ва санъатини эъзозлаб келаётганлиги таҳсинга сазовордир. Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият марказининг 15 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — умумий уйимиз» номли кўргазманинг очилиши ва унда 30 дан ортиқ миллат вакилларининг ўз санъат асарлари билан иштирок этгани сўзимизга ёрқин мисолдир.

Аждодлар меросига эҳтиром

Кўргазма экспозициясида Дунган маданият маркази вакили М.Савуровлар уй-музейи томонидан тақдим этилган амалий санъат буюмлари ҳам ўрин олган. Унда Мин сулоласи даврида яратилган рўзғор жиҳозлари, мис, темир идишлар, XIX асрга оид кумуш билакузуклар, аёллар либоси, ҳамёнча, ғилофлар, ёстиқ жилдлари, XVIII аср Хитой чинниси намуналари бўлиб, улар дунган халқининг ўтмиш турмуш тарзини акс эттирган. Ушбу қадимий нодир буюмлар ўзининг бадиий ишланиш техникаси билан дунган санъатининг бой мероси сифатида ўрганилиши ва келажакда йўқолиб кетмаслиги учун кенг кўламда ёритилиши муҳимдир. Бизга маълумки, қадимдан Марказий Осиё кўп маданиятлар чорраҳасида бўлган ва бошқа халқларнинг маданиятидан кўплаб хусусиятларни қабул қилган.

Амалий санъат буюмлари орасида қадимги аёллар либоси, пардоз-андоз буюмлари, кичик ҳажмдаги буюмларни сақлаш учун мўлжалланган турли ҳамёнча ва ғилофча, ёстиқлар ғилофлари, бош кийим, оёқ кийимлари бетакрор санъат асаридир. Улардаги каштачилик санъатида дунган халқининг узоқ йиллик турмуши ва дунёқараши акс этган. Буюмлар тоза шойидан тикилиб, шойи иплар билан ироқи услубида кашталанган. Аксарият буюмларнинг ўзига хослиги шундаки, улардаги асосий қисмлар ранг-баранг каштало билан безатилган, мавзулари ҳам турли-туман. Умуман, дунган халқининг амалий санъатида ранглар жуда кўп тусларга бўлинган. Масалан, биргина қизил рангнинг ўндан ортиқ туслари бўлиб, ҳар бири алоҳида ном билан аталган.

Ҳозирда дунган халқи ўз маданияти ва санъати, урф-одатларини эъзозлаб, маҳаллий мактабларда ёш авлодга амалий санъат анъаналарини ўргатмоқда. Шундай мактаблардан бири Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Дунган маҳалласида жойлашган. Унга Машола Махбур раҳбарлик қилиб, шогирдларига каштачилик санъатидан сабоқ бермоқда.

Ижодкор учун тарих катта илҳом манбаидир. Шундай экан, ҳар бир халқнинг тарихини ёритувчиси санъат асарларини нафақат асраши, балки анъаналарни давом эттирувчи ёш авлодга ушбу санъат сирларини ўргатиши муҳимдир.

2007 йили дунган жамоатчилиги Марказий Осиё ва МДҲда истиқомат қилаётганлигининг 130 йиллигини нишонлайди. Байрам арафасида маданияти ва санъатига бўлган эътиборни, эъзозни ҳис қилиши халқнинг кўп миллатли юртимиз маданиятида ўзига хос ўрни борлигидан далолатдир.

Эътибор АБИДОВА,
К. Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти санъатшунослик бўлими магистри.

Танлов

Маҳалланинг намунали қизи

Наврўз айёми арафасида юртимизнинг турли гўшаларида байрам тадбирлари бўлиб ўтмоқда. "Камолот" ЁИҲ Шайхонтоҳур туман бўлими ташаббуси билан хотин-қизлар кўмитаси, "Оила" маркази, "Маҳалла" жамғармаси ва халқ таълими бўлими ҳамкорлигида "Маҳалланинг намунали қизи" кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Унда 49 маҳаллани қамраб олган олтита ҳудуднинг саралаш босқичида ғолиб бўлган олти нафар иштирокчи қатнашди.

— Танлов қатнашчилари асосан 16-18 ёшлар оралиғидаги қизлардир, — дейди "Камолот" ЁИҲ Шайхонтоҳур туман бўлимининг ёшлар билан ишлаш бўйича бўлим мудири Шаҳноза Умархўжаева. — Ўсмир-қизлар билан олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқий, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, бўш вақтларини унумли ўтказишларини ташкиллаштириш мақсадида бундай кўрик-танловлар ўтказиб келинмоқда.

Тадбирда "Жанггоҳ", "Янги Камолон", "Чўпонота", "Гулобод", "Ипакчи", Ёқуб Зиёев номли маҳаллалардан ташриф буюрган қизлар бир қанча шартлар бўйича ўзаро беллашдилар. "Таништирув", "Пазандалик сирлари", "Хонадон фариштаси", "Байрамона соч турмаги" ва "Савол-жавоб" каби шартлар орқали иштирокчилар оила, маҳалла, қолаверса, миллий урф-одат ва қадриятларимизни нечоғли билишларини намоён этдилар.

"Янги Камолон" маҳалласидан Дилбар Каримова кўрик-танлов ғолиби деб топилди ва у шаҳар босқичида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритди. Барча иштирокчилар Фахрий ёрлиқ ҳамда совғалар билан тақдирландилар.

Ёшларни соғлом турмуш тарзида, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, айниқса, қизларни катта ҳаётга тайёрлаш борасида олиб борилаётган бундай тадбирлар соғлом авлодни

вояга етказишдаги муҳим қадамдир.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи.
Азамат АҲМАД олган сурат.

Тадбир

Адабий кеча

Яқинда "Миллий тикланиш" демократик партияси Бухоро туман кенгаши Галаосиё педагогика коллежи жамоаси билан ҳамкорликда атоқли ёзувчи Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан адабий кеча уюштирди.

Унда адиб ҳаёти ва ижоди, ёшларга ғамхўрлиги, ёзувчи адабий меросининг аҳамияти ҳақида батафсил сўз юритилди.

Кечада сўзга чиққан филология фанлари доктори Илҳом Ғаниев, Бухоро давлат университети катта ўқитувчиси Абдуғаффор Хонов, шоир ва драматург Бахшулла Ражаб, "Миллий тикланиш" демократик партияси Бухоро туман бўлими раиси Омон Зарифов, шоир ва олим Дилшод Ражаб, адабиёт ўқитувчиси Бибиражаб Эргашева, коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Рамазон Саидовлар ёзувчи ҳаёти, асарлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Талабалар ёзувчи асарларидан парчаларни сахна кўринишларида намойиш этишди. Даврада янграган ажойиб куй-қўшиқлар тадбир иштирокчиларига хурсандчилик бахш этди.

Ҳулкар ҲАМИДОВА.

Қизлар беллашганда

Ўзбек халқининг ифтихори, шоира Зулфияхонимнинг ўлмас сатрлари кишига ажиб кайфият ато этади. Буни яқинда Навоий шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройида Зулфияхоним таваллуди ҳамда 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган "Сен барибир муқаддассан, муқаддас аёл" байрам тадбири, шунингдек, "Санамлар сарвари" кўрик-танлови яна бир бор исбот этди.

Навоий вилояти хотин-қизлар кўмитаси ва унинг қошида ташкил этилган "Зулфияхоним қизлари" клуби, Навоий давлат кончилик институти маънавий-маърифий бўлими ва институт "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси М.Ибрагимова иштирок этди. Навоий давлат педагогика институтида ёшларни билимнинг юксак чўққиларини эгаллашлари йўлида фидокорона меҳнат қилиб келаётган етти нафар устоз Фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

Изланувчан, интилувчан ва ташаббускор бир гуруҳ талаба-ёшлар эса "Камолот" ЁИҲ вилоят кенгашининг Фахрий ёрлиқларига сазовор бўлишди.

Тадбирнинг иккинчи қисмида институт талабалари — Мунира Ботирова, Шаҳноза Куйлиева ва Аида Аҳмедова иштирокида факультетлараро "Санамлар сарвари" деб номланган кўрик-танлов бўлиб ўтди.

Дилбар РАЗЗОҚОВА.

Байрамга совға

Пойтахтимиздаги Интеллектуал лойиҳалар маркази ҳам ҳар йили Наврўз айёми арафасида ёшлар ҳашарини ўтказади. Халқимизнинг азалий урф-одатларидан ҳисобланган бу тадбирда ёлғизланиб қолган оилалар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳолидан хабар олинади. Ҳашарда марказ ўқувчилари боғ барпо этадилар.

— Бу йил ҳам анъанамизга содиқ қолдик, — дейди лойиҳалар менеджери Абдулазиз Дадахонов. — Тозалаш ишлари якунлангач, бу ерга дарахтлар экиб, спорт майдончасини қурамиз. Марказ ўқувчилари билан бирга маҳалла болалари ҳам майдончадан бемалол фойдаланишлари мумкин бўлади. Спорт майдончаси учун деярли ҳамма анжомлар сотиб олинган. Ёшларимиз томонидан барпо этилаётган спорт майдончаси умумхалқ байрами ҳисобланган Наврўзга туҳфадир.

Миллий урф-одатларни қадрлаш ёшларнинг муқаддас бурчидир. Уларни шундай руҳда тарбиялаш эса нафақат ота-она, балки ўқитувчиларнинг ҳам вазифасидир.

Адиба ФАЙЗ.
Азамат АҲМАД олган сурат.

Удум

Адабий ҳаёт

ШОИРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Эркин Воҳидов ижодига назар

ХХ аср ўзбек адабиёти кўп асрлик миллий адабиётимиз тарихига олтин давр бўлиб киради. Шу даврда Чўлпон ва Ойбек, Ғафур Ғулом ва Миртемир, Шайхзода ва Усмон Носир сингари буюк шоирлар туфайли ўзбек шеъриятининг бадиий уфқлари бениҳоя кенгайди. Ўзбек шеърияти ва умуман, ўзбек адабиёти шу даврда жаҳон адабий жараёнининг таркибий қисмига айланди. Юқорида номлари тилга олинган сиймолар ўзбек тилида ижод қилганлари ва асарлари жаҳон тилларига таржима қилинмаганлиги сабабли халқаро миқёсда эътироф қозона олмаган бўлсаларда, истеъдодларининг кўлами ва бадиий кашфиётлари билан ХХ аср жаҳон шеърияти тарихидан ўрин олишга муносиб шоирлардир.

Уларнинг миллий ўзбек шеъриятини шаклантириш ва юксакликка кўтариш, шунингдек, янги ўзбек адабий тилини ривожлантиришдаги хизматлари эса беназир. Ана шундай таниқли шоирлар ижод қилган ва ижод қилаётган заминда туғилиш ва шоирлик рутбасига эришиш, эришибгина қолмай, қирқ йилдан зиёд вақт давомида шу шеърият машъаласини баланд кўтариб яшаш ҳар кимга ҳам насиб бўлавермайдиган бахтдир.

Бугун муборак етмиш ёшга тўлган Эркин Воҳидов ана шундай бахтга мушарраф бўлган хассос шоирдир. Агар Эркин Воҳидовнинг илк шеърий китоби 1961 йили дунё юзини кўрганини назарда тутсак, шу даврда ўзбек шоирлари, бошқа қардошлари сингари, собиқ совет мамлакатидаги ижтимоий-маданий иқлимдан нафас олганлар. Бу иқлим гарчанд 60-йилларнинг бошларида ўзгара ва тозалана бошлаган бўлсада, лекин ҳали Ленинни, партияни, улуғ оғани, "оқ олтин"ни шарафловчи шеърларсиз бирор шеърий тўпламнинг ёруғ дунёни кўриши амри маҳол эди. Ҳали танқидчилар ҳам, совет мафкурасининг бошқа посбонлари ҳам соф лирик шеърлар буржуа шеърияти намуналари эмас, чинакам шеърият эса, аввало, соф лирик туйғу ва кечинмаларнинг ифодаси, деган ҳақиқатни тўла тушуниб улгурмаган эдилар. Ана шундай бир вақтда рус шеъриятида Е.Евтушенко, Р.Рождественский, А.Вознесенский, Б.Ахмадулина, қозоқ шеъриятида Ў.Сулаймонов, тожик шеъриятида Мўмин Қаноат, ўзбек шеъриятида эса Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов баҳор кунларидаги чақмоқ сингари пайдо бўлдилар. Улар олдида шеъриятни яшартириш, уни халқ ҳаёти ва руҳиятига яқинлаштириш вазифаси турди. Э.Воҳидов ва А.Орипов устозлари Ойбек, Ғафур Ғулом, Миртемир, Асқад Мухтор ва Шукруллолар бошлаган ишни давом эттириб, ўзбек шеъриятини соф лирик йўналишга бурибгина юбордилар. Уларнинг самимият балқиб турган шеърлари билан ўзбек шеъриятига янги, тоза ҳаво кириб келди.

Агар шоир қанчалик самимий бўлса, унинг инсоний моҳияти шеъриятда шунчалик ёрқин ва тўла намоён бўлади. Э.Воҳидовнинг майин овози, табиатидаги самимийлик ва меҳр, унинг юрагидан отилиб чиққан сўзларнинг латифлиги, юрак билан ақлнинг, гўзаллик билан донишмандликнинг ўзаро уйғунлашган ҳолати шеърларининг ўзига хослигини белгилаб берди. У шу фазилатлари билан устозларидан ҳам, тенгдошларидан ҳам кескин ажралган шоир сифатида ўзбек шеъриятидан ўрин эгаллади.

Агар биз 20-30-йиллар ўзбек шеъриятига назар ташласак, ҳатто Ғафур Ғулом ва Ҳамид Олимжондек юксак шоирларнинг ўша даврда "адабий" мода асосчилари бўлган Маяковский сингари рус шоирларига эргашиб шеърлар ёзганини кўрамиз. Бу ўша давр учун табиий ва тушунарли эди. Ҳатто Э.Воҳидов шеъриятга кириб келган 60-йилларда ҳам адабий сабоқ олиш мумкин бўлган шоирлар оз бўлмаган. Аммо Э.Воҳидов шу даврда катта шуҳрат қозонган замонавий шоирлардан эмас, Навоий, Бобур, Фузулий сингари абадий устозлардан сабоқ олишга уринди. Бу нафақат "Ёшлик девони"даги ғазал ва мухаммаслар, балки кейинги "эркинона" шеърларда ҳам жилва сочиб туради.

Шеърият — бу миллий ҳодиса. Аммо ХХ аср ўзбек шеъриятининг ҳамма вакилларини ҳам миллий шоирлар, деб аташ қийин. Зеро, миллийлик шоирдан миллат руҳи билан суғорилган, миллат дарди ва манфаати билан яшаган бўлишликни, миллатнинг том маънодаги овози бўлишликни талаб қилади. Чўлпон ана шундай миллий шоир эди. Ғафур Ғулом ва Миртемир ана шундай миллий шоир эдилар. Э.Воҳидов ҳам ана шу устозларидек чинакам миллий шоир.

Миллийлик — бу ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, фидойилик сингари фазилатлар эмас. Миллийлик — бу, аввало, руҳият билан боғлиқ ҳодиса. Э.Воҳидов шеъриятининг миллийлиги турли адабий ва руҳий компонентларнинг узвий йиғмасидан вужудга келган ҳодисадир. Масалан, шоирнинг қуйидаги машҳур ғазалига эътибор бериб, унинг миллийлиги нималарда зуҳур бўлганини ўйлаб кўрайлик:

Дўст билан обод уйинг
Гар бўлса у вайрона ҳам,
Дўст қадам қўймас эса
Вайронадир кошона ҳам.
Интизор ҳар уй қадрдон
Дилкушолар базмига,
Гар оёқ қўйса қабоҳат
Йиқлагай остона ҳам.

Агар шу сатрларда ўзбек халқи учун муҳим маънавий қадриятлардан бири — дўстликнинг куйлангани шеърнинг миллийлигини белгилаган, десак, етарли бўлмас. Зеро, шеъриятдаги миллийлик фақат мазмун билангина белгиланмайди. Мазкур ғоя-мазмуннинг узоқ асрлар мобайнида яратилиб, ўқилиб ва куйланиб келган мумтоз шоирларимизнинг ғазаллари орқали қонимизга сингиб кетган мусиқий оҳанглар ёрдамида содда ва гўзал ифодаланган ҳам унинг миллийлигини таъминлаган омиллардир. Шу маънода гул ишқи билан йўғрилган мана бу сатрларда ҳам миллийлик чечаклари товланиб туради:

Оташин гул уздим,
ол, бу —
Шоҳи гуллар шоҳи гул,
Гул сочиқ йўлларда бўлсин
Гул юзим ҳамроҳи гул.
Шоҳи гул эрмас бу, ўтлуғ
Юзларинг ҳижронида,
Интизор боғ кўксидан
Чиққан фиғону оҳи гул...

Бу ғазалда ўзбек халқининг гулга бўлган муҳаббати, худди юқоридаги сатрлардагидек, ўйноқи ўзбекона мусиқий оҳангларда ифодаланган. Қолаверса, ушбу сатрларнинг, умуман, ғазалнинг нафис сўз ўйинлари асосига қурилгани, шоирнинг гул ва шоҳигул сўзларининг турли маъно товланишларидан катта маҳорат билан фойдалангани шеърнинг миллийлигини оширган.

Кези келганда айтиш жоизки, ушбу шеър поэтик оҳанг ва вазн хусусиятлари билан Э.Воҳидовнинг Арманистон таассуротлари балқиб турган "Азгануш" шеърини ёдга туширади. Агар эсласангиз, 60-йилларнинг ёшларига ёд бўлиб кетган бу шеър бундай бошланган эди:

Кўрдиму лол бўлди ақлим,
Ўнгмиди бу ёки туш,
Бўлса ҳам ўнг ё сени
Кўргач, бошимдан
учди ҳуш.

Сен баланд тоғ
узра эрдинг
Мисли оҳу ёки қуш,
Ёлвориб мен пастда
дердим,
Бир нафас ёнимга туш...

Мазкур шеърнинг мумтоз ўзбек шеъриятининг асосий мавзуларидан бири — муҳаббат мавзуига бағишлангани ва бу мавзунинг ўзбекона анъанавий тасвир воситалари ёрдамида бадиий ифодалангани унинг миллийлигини таъминлаган омиллардир. Шеърнинг ҳатто арман қизига бағишлангани ҳам Навоийнинг Ширинини ёдга тушириб, ўқувчи шуурида поэтик ассоциация уйғотади ва бу ҳол ҳам унинг миллийлигига хизмат қилади.

Юқорида тилга олинган шеърлар, аввало, мумтоз ўзбек шеърияти анъаналаридан озиқланганлиги билан фарқланади ва уларнинг миллийлиги заминида ана шу анъанавийлик ётади. Шоирнинг ўзи "Санъат ва тафаккур" номли мақоласида анъанавийлик тўғрисида мулоҳаза юритиб, бундай деган эди: "Менимча, анъанавийлик ўз ичига кўп тушунчаларни олади. Масалан, ғоявийлик, образлилик, мантиқий изчиллик, ички мусиқийлик ҳам анъанага киради. Умуман, шеъриятнинг киши қалбига яқинлиги, инсон дарди, ҳасрати, қувончи ифодаси экани ҳам анъанавий ҳодиса". Агар шоирнинг бу сўзларидан новаторликнинг асосий белгиси — ғоявийлик тушунчасини ажратиб олсак, қолган сўзлари унинг нафақат анъанавийлик, балки миллийлик категорияси ҳақидаги тасаввурини ҳам тушунишимизга ёрдам беради. Зеро, миллийлик заминида, чиндан ҳам, образлилик, мантиқий изчиллик; мусиқийлик, киши қалбига яқинлик, миллат дарди, ҳасрати ва қувончини ифодалаш масалалари ётади ва улар марказлашган ҳолда миллий руҳ ва миллий колорит тасвирига хизмат қилади. Агар Э.Воҳидовнинг "Ёшлик девони"дан жой олган ғазал ва мухаммасларни том маънодаги миллий шеърлар деб атасак, бутун бир халқнинг ўзига хос поэтик тарихи ва тақдири ифодаланган "Ўзбегим" қасидасини ана шу миллий шеърларнинг қаймоғи, миллий шеърият нинг порлоқ намунаси, деб аташ адолатдан бўлади.

Аруз вазнидаги шеърлар Э.Воҳидов шеъриятининг муҳим, аммо ҳажман кичик бир қисмигина, холос. Унинг бармоқ вазнида ёзилган энг яхши шеърлари ҳам, шак-шубҳасиз, ўзбек миллий шеъриятининг дурдоналаридир. Бу шеърларнинг миллийлиги, аввало, шоирнинг ўзи айтмоқчи, образлилиги, мусиқийлиги, миллий тафаккур чашмасидан униб чиққанлиги, ўзбек китобхони қалбига яқинлиги, миллий дард, ҳасрат ва қувонч ифодасига айланганлиги билан белгиланади. Унинг чойнак ва пиёла масали бўлган "Камтарлик тўғрисида", бахтсиз севги ҳақидаги "Мажнунтол", дидактик мазмун билан йўғрилган "Болаларни шайтонлардан...", Шарқ эртаги сюжети асосида ёзилган "Инсоният тарихи" ёки "Қорхат" сингари ўнлаб шеърлари миллий руҳининг кучлилиги билан китобхонларнинг севимли асарларига айланган. Ана шу ва бошқа асарлардаги Э.Воҳидов шеърий ижодининг миллийлиги, лўнда қилиб айтсак, уч "кит"нинг устида туради. Бу "кит"ларнинг бири миллий тафаккур ёки шарқона донишмандлик, иккинчиси, образлилик ва учинчиси, мусиқийликдир. Юқорида номи тилга олинган барча шеърлар даставвал миллий тафаккур ва шарқона донишмандликнинг ажойиб меваларидир. Биз мазкур туркумга шоирнинг ҳажвий бўёқлар фавораси отилиб турган "Донишқишлоқ латифалари"ни ҳам, бошқа ҳажвий шеърларини ҳам киритишимиз лозим. Бу шеърлар Э.Воҳидов миллий шеъриятининг дурдоналари бўлиши билан бирга шоир истеъдодининг олмос қирраларини ҳам ёритиб туради.

Шеъриятнинг сеҳрли оламида ташбеҳ, умуман, тасвирий воситалар фавқулодда муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода бирор тасвирий восита порламаган шеър бамисоли ўтмас, чархланмаган пичоқдир. Ҳақиқий шеърда туйғу ва кечинма поэтик образ воситасида, ундан олган ёғду туфайли ёрқинлик касб этади. Агар Э.Воҳидов шеърларига ана шу нуқтаи назардан ёндошсак, "Мунажжим *тасбеҳ*идан тўкилган доналардек Осмон узра сочилиб ярқираб турган юлдузлар", "*Чучмома* излаган қизлар сочига *Баргак* улаганда эсладим сени", "Ахир бир кун мавсуминг етиб, Кирганида *гўза шона*га, Аста сенинг қўлингдан тутиб, Етаклайман газетхонага", "Бошинг узра унсиз йиғлар кампиринг, Бир қўлида *учи тугик даструмол*", "То *тириқдирки* табиат..." сингари мисралардаги миллий тафсил, поэтик образ ва услубий воситалар шу шеърларнинг миллий ҳароратига янги ҳарорат бағишлаб туради.

Э.Воҳидов шеърларидаги образлилик, мусиқий дилраболик ва рангбаранглик бояги биринчи омил билан уйғунлашган ҳолда уларга миллийлик мақомини беради. Номлари юқорида ҳурмат билан тилга олинган Чўлпон, Ғафур Ғулом, Миртемир ва бошқалар том маънодаги миллий шоирлар бўлиб, мана қирқ йилдан ошдики, улар сафидан ўзбек шеърияти хазинасини янги дурдоналар билан бойитган Эркин Воҳидов ҳам жой олиб, бу юлдузлар шодасини безаб турибди.

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари доктори.

Китобингизни ўқидим

ХХ асрнинг 50-йилларидан бошлаб ўзбек адабиётшунослиги ва таржимачилиги, журналистика соҳасига оид тадқиқотларда, илмий изланишларда Асил Рашидов номи бот-бот тилга олинади, илмий ишлари ҳамда таржималаридан иқтибослар келтирилади. Бу бежиз эмас, албатта. Низомий номидаги ТДПУнинг "Ҳозирги ўзбек адабиёти" кафедраси доценти, филология фанлари номзоди Асил Рашидов умр бўйи олимлик билан мураббийликни, таржимонлик билан журналистлик фаолиятини узвий боғлаган ҳолда ишлаб келаётган заҳматкаш олимлардан биридир.

ЗИЁЛИ СУРАТИГА ЧИЗГИЛАР

Дарҳақиқат, Асил Рашидов журналист сифатида ҳаёт ва жамият тараққиётини ўрганган бўлса, илмий изланишлари орқали адабиётнинг теран томирларидан бири — қиссачилик муаммоларини тадқиқ қилди. Таржимон сифатида эса Чингиз Айтматов асарларини ўзбек китобхонларининг маданий мулкига айлантирди, мураббий сифатида минглаб талабаларга ҳозирги ўзбек адабиёти юзасидан сабоқлар берди. Жараён давом этмоқда.

Яқинда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриётида С.Умиров ва Б.Дўстқораев қаламига мансуб "Зиёбахш умр саҳифалари" номли рисола нашрдан чиқди. Китобда олим портретига чизгилар акс этган. Муаллифлар рисола сўзбошисида Асил Рашидов табиатига хос энг характерли хусусият — камтарлик ва камсуқумлик, қаттиққўллик ва талабчанлик хислатлари ҳақида жонли мисоллар билан ёзишган, бу ҳеч бир ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Тадқиқотчилар А.Рашидовнинг журналистик фаолияти ҳақида фикр юритар экан, шу соҳага оид кўплаб мақолалари чоп этилганлигини, хусусан, "Қардошлик", "Дўстлик куйлари", "Дўстлик байроғи остида", "Буюк халқ қудрати", "Истеъдодли қалам соҳиби" каби мақолаларида даврга хос муҳим ижтимоий-маънавий масалалар акс этганлигини таҳлиллар билан кўрсатадилар. Айниқса, "Акам ҳақида" номли рисоласи йирик давлат арбоби Шароф Рашидов ҳаётига оид хотиралар асосида битилган таҳлилий асар сифатида ўзбек публицистикасининг ёрқин намуналаридан бири тарзида юқори баҳоланади. Жумладан, асарнинг услубий ўзига хослиги, армон, ўкинч, далда, таскин туйғулари билан йўғрилганлиги қатор мисоллар орқали таҳлил қилиниб, муайян хулосаларга келинади.

"... бутун рисола дардли, изтиробли, армонўкинчли, публицистик чўғи, "қон босими" баланд, — деб ёзишади муаллифлар мазкур рисола ҳақида фикрлар экан, — лекин публицистика... "Қон босим"нинг баландлиги носоғломлик аломати эмас, аксинча, ички қувват, руҳий туғён белгиси. Сўзлар бамисоли кўзи очилай деб турган булоқни, энди очилай деб турган фавворани эслатади" (11-бет). Муаллифларнинг Асил Рашидов "Акам ҳақида" рисоласини юрак қони билан, эҳтирос, изтироб, армон билан, куйиниб, койиниб битган, деган эътирофларига қўшилмасдан илож йўқ.

Китобда Асил Рашидовнинг узоқ йиллар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги университет) газетасида муҳаррирлик қилганлиги, "Ўзбекистон овози", ("Қизил Ўзбекистон") газетасидаги фаолияти ҳақида ҳам сўз боради. Бундан ташқари, А.Рашидовнинг публицистик характердаги "Эзгуликка бахшида умр" номли рисоласи ҳам чуқур таҳлил қилинади. Бу асар унинг қирқ йиллик қадрдон дўсти, профессор Ғайбулла Саломовга бағишланган бўлиб, муаллифлар ҳар икки рисоланинг яратилиш тарихи ҳақида ҳам фикр юритишган.

Рисолада Ғайбулла Саломов портретига чизгилар катта маҳорат билан яратилганлиги қатор таҳлиллар орқали кўрсатилади. Жумладан, олимнинг илмий-ижодий фаолияти биографик талқин асосида амалга оширилганлиги кўплаб кўчирмалар келтириш билан таҳлилланади, натижада А.Рашидовнинг хотиранавислик маҳорати ҳам очилади. Айни чоғда улар ўртасидаги ижодий ҳамкорлик, ўзаро ёрдам ўзининг самимий ифодасига эга эканлиги Ч.Айтматовнинг "Жамила", "Сарвқомат дилбарим" асарлари таржимаси жараёнида мулоқот таҳлиллари асосида ёритилади.

Рисолада А.Рашидовнинг қандай қилиб таржимонлик соҳасига кириб келганлиги ҳаётий хотиралар асосида тилга олинади. Бунда ҳам ижод жараёнига кириш, биографик талқин етакчилик қилади. Шунингдек, китобга Асил Рашидов – Ғайбулла Саломов, Ғайбулла Саломов – Сайди Умировлар ўртасида таржимачилик, хусусан, Ч.Айтматов ижоди таржималарига бағишланган матбуотда чоп этилган суҳбатларнинг ҳам киритилиши рисоланинг амалий қувватини янада оширган. Рисолада Асил Рашидовнинг адабиётшунос олим ва педагог сифатидаги фаолияти уч муҳим омилга — журналистик фаолияти, олий ўқув юртида адабиётдан дарс бериши, бадиий адабиёт таржимаси билан шуғулланишига боғлаб талқин этилади.

"Зиёбахш умр саҳифалари"да олимнинг жаҳон ва қардош халқлар адабиёти ҳақидаги бошқа мақолалари, китоблари ҳам кенг таҳлил қилинади. Хулоса қилиб айтганда, "Зиёбахш умр саҳифалари"ни ўқиган китобхон Давлат мукофоти совриндори, Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Асил Рашидовнинг таниқли адабиётшунос ва зукко мунаққид, олий ва ўрта махсус таълим фидойиси сифатидаги фаолияти билан атрофлича танишади. Заҳматкаш олимнинг камтарин инсон, садоқатли дўст эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилади.

Сафо МАТЧОНОВ,
педагогика фанлари доктори, профессор,
Қурдош ҚАҲРАМОНОВ,
филология фанлари номзоди; доцент.

Гуллаган бодоммас, гуллаган орзум,
Булут йиғламади, йиғлар соғинчим.
Сендан жуда-жуда кўндир илинжим,
Истаклар рўёби бўлиб кел, баҳор,
Ҳаёт шарбатига тўлиб кел, баҳор!

Жамолинг оламни яшнатсин-о, кел!
Ифоринг дил найин янгратсин-о, кел!
Меҳрга ташна дил яйрасин-о, кел!
Шабнамдек мусаффо кўз ёшсан, баҳор,
Булутли умримда қуёшсан, баҳор!

Нуржаҳон АВАЗОВА.

Алоқа тизими

Жаҳон билан ҳамнафас

Кейинги йилларда минтақамизда ахборот ва телекоммуникация тизимларида жадал суръатдаги ўсиш кузатилмоқда. Юртбошимизнинг ва ҳукуматимизнинг оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш тўғрисидаги бир қатор фармон ва қарорлари соҳа ривожи учун асосий туртки бўлди, десак янглишмаймиз.

Ислоҳотлар натижасини биргина ўтган йил мисолида кўриб чиқсак ҳам бу борадаги тараққиёт ва юксалишлар кўзга ташланади. Жумладан, соҳа корхоналари томонидан аҳолига 622,55 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилган. Бу 2005 йилга нисбатан 155,6 фоизга ўсиш юз берди, дегани. Иш унумини чўтга солсак, алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидан 584,1 миллиард сўмлик, ахборот ва матбуот соҳасидан эса 38,45 миллиард сўмлик даромад тушгани маълум бўлади.

Соҳага 133,34 миллион АҚШ доллари миқдорида хориж инвестицияси киритилган. Бу маблағнинг қарийб 80 фоизи, яъни 104,4 миллион АҚШ доллари тўғридан-тўғри жалб этилган инвестицияни ташкил қилди. Олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида ўтган йили интернетдан фойдаланувчилар сони 1,7 миллионга етди. Бу кўрсаткич 2005 йилга нисбатан салкам икки баравардан кўпроқни ташкил қилади. 2006 йилда асосий телефонлар сони 2009,5 мингтага етган. Мобил алоқа мижозлари сони эса 2720 мингта.

Юқоридаги рақамлардан ҳам маълумки, ахборот тизимлар ва телекоммуникация тармоқлари ривожи учун 2006 йил самарали йил бўлди. Ахборот асрида телекоммуникациянинг аҳамияти ва ривожи қай даражада муҳим эканлиги барчамизга яхши маълум. Шундай экан, юртимизда бу соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар ҳар жиҳатдан фойдали.

Барча соҳалар қатори ахборот ва телекоммуникация соҳасини жорий йилда ҳам тараққий этиши кутилмоқда. Бу, албатта мамлакатимизнинг янада равнақ топиши, жаҳон билан ҳамнафас бўлишига анча салмоқли ҳисса қўшади.

Шуҳрат ЯРАШЕВ,
Тошкент молия институти талабаси.

«ДИПЛОМАТЛАР БОҒИ»ДА ҲАШАР

"Экосан" экология ва саломатлик халқаро ташкилоти томонидан ўтган дам олиш кунги умумхалқ хайрия ҳашари ва ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ойлиги доирасида баҳорги анъанавий экологик тадбир уюштирилди. Тадбир "Мева-шарбат" илмий-ишлаб чиқариш корпорациясининг Р.Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳудудида ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, таниқли фан арбоблари, шунингдек, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Ҳашарчилар бу ерда жойлашган "Дипломатлар боғи" ҳудудини кенгайтириб, уч юздан ортиқ мевали дарахт кўчати ўтказдилар.

"Дипломатлар боғи" ҳар йили Наврўз байрами арафасида ўтказиладиган ҳамкорликдаги ҳашарлар давомида ташкил этилган. "Экосан" ташкилоти билан Р.Шредер номидаги илмий-тадқиқот институти аввалдан ҳамкорлик қилиб келади. Олимлар экология дастурларини тайёрлаш ва рўёбга чиқариш, экология мавзуи бўйича республика миқёсидаги ҳамда халқаро илмий-амалий конференцияларни ўтказиш ва тавсияномалар ишлаб чиқишда фаол иштирок этмоқда.

Тадбир қатнашчилари институт музейини ва тажриба ўтказиладиган базасини бориб кўрди. Бу ерда 1,5 минг турдаги мевали дарахт ва узум навларининг ноёб коллекцияси тўпланган. Олимлар иштирокчиларни юқори ҳосил берадиган, паст ҳарорат, қурғоқчилик ва касалликларга чидамли навларни яратиш бўйича ўз тадқиқотлари йўналишлари, Ўзбекистоннинг тупроғи ва иқлими турли хил бўлган ҳудудларида меҳнатни кам талаб қиладиган ҳамда экологик хавфсиз технологияларни жорий этиш борасида олиб борилаётган ишлар билан таништирди.

Шу куни "Экосан" ташкилоти Тошкент тумани марказий шифохонаси ва кам таъминланган оилаларга қиймати 3 миллион сўмлик мурувват ёрдами кўрсатди.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

● Истиқлол берган имкон

ЭЛ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ



Беморнинг дарддан тезроқ фориғ бўлишида фақат дори-дармонларгина эмас, балки қўли енгил шифокорларнинг муолажалари, хушмуомалалиги ҳам жуда муҳим. 1-сонли Тошкент вилояти клиник шифохонасида бўлганимизда беморларнинг тиббий хизмат кўрсатиш маданиятидан, шифокорлар мададидан миннатдор эканликларини кўриб, қувондик.

Тиббиёт масканининг урология бўлими мудири, 1-тоифали шифокор Ҳамидулла Исроиловдан бўлимда яратилган шарт-шароитлар ҳақида сўрадик.

— Бўлимда икки нафар шифокор ва 8 нафар ҳамшира ишлайди, — деди у. — Йигирма ўринли даволаниш хоналари саранжом, сариштa. Энг муҳими, беморларга 60 фоиз дори-дармонлар касалхона ҳисобидан берилади. Амалиёт ўташ учун келган бўлажак ҳамшираларга ҳам билим ва тажрибаларимизни ўргатиб келмоқдамиз. Улардан Ирода Икромова, Дилфуза Далабоева, Шаҳноза Неъматова, Ирода Мелиевалар қаторимизга қўшилиб қолишди. Ҳамшира Лаззат Тулейбоева улардан маслаҳатларини аямайди.

Бошқа бўлимлар ишини ҳам кузатдик. Замон талаблари даражасида жиҳозланган муолажа хоналари беморлар хизматида. Шифо истаб келганлар бу ерда 8 кундан 15 кунгача даволаниш имкониятига эга экан. Бош шифокор билан суҳбатлашдик. Кейинги икки ой ичида юзга яқин бемор шифо топибди. Улар орасида доимий шифокор назоратида турадиган шифоталаб кишилар — кексалар, ногиронлар ҳам бор. Доимий беморлар рўйхатида турадиган 2-гуруҳ ногирони Ўрозхўжа Шайхисломов 10 йилдан буён мазкур шифо маскани хизматидан фойдаланиб келаётганини айтди.

Зумрад ВАҲОБОВА.

СУРАТЛАРДА: шифокорлар фаолиятидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

● Бўлган воқеа

БЕХОСДАН ТУШГАН МУШТ

Саксонинчи йилларнинг бошларида мен Чимкентдаги тиббиёт билим юртида ўқирдим. Ўқув юртида дарслар рус тилида олиб борилар, бу эса мактабни қозоқ тилида битирганлар учун яна ҳам қийинчилик туғдирарди. Шунинг учун берилган вазифаларни ярим кечагача ўтириб, деярли ёдлардим.

Шундай кунларнинг бирида хонада ёлғиз қолиб, тунги учгача китоб ўқидим. Шу алфозда бошимни курсига қўйганча ухлаб қолибман. Бир пайт орқамдан биров зарб билан урди-ю мен чўчиб уйғондим. Акам ҳазиллашаётгандир, деб ўйлаб: "Боринг-э", — дедим. Кейин бошимни кўтариб, ён-веримга алангладим. Не кўз билан кўрайки, атрофда ҳеч зот йўқ эди. Менинг хонамдан бошқа хоналарда чироқ ўчган, ҳамма ёқ жим-жит, уйдагилар уйқуда. Ҳайрон бўлиб, туш кўргандирман, деган хаёлда ўрнимга бориб ётдим. Эртаси куни шу ҳолат яна такрорланди. Бироқ бу сафар ухламаган эдим. Ниманидир ёзаётгандим. Орқамдан мушт тушди-ю, қулоғимга: "Кечаси дарс тайёрлама", — деган сас эшитилди. Қўрқиб кетдим. Уйдагиларни уйғотиб, бўлган воқеани айтиб бersам, акаларим мазах қилиб кулишди. Шундан кейин ноилож воқеани унутгандай бўлдим.

Орадан бир-икки кун ўтиб, яна кечаси дарс қила бошладим. Бу сафар жуда қаттиқ зарб едим. Ҳатто унинг ўрни, панжа излари анчагача оғриди. Энди чинакамига қўрқа бошладим. Оғаларим ҳам устимдан кулмайдиган бўлишди. Эртаси куни онам овулдаги муллага ўқитди. Шундан кейингина тунги зарб ейишлардан қутулдим... Қўрққанимдан ўзим ҳам кечаси дарс тайёрламайдиган бўлдим.

Шу воқеа туфайли ўзим тиббиёт хизматчиси бўла туриб, бизга номаълум кучларнинг борлигига ишонаман.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ.

● Турфа олам

ХИТОЙ ҒАРОЙИБОТЛАРИ

Севимли таом — чигиртка

Хитойликлар учун энг хушхўр таом қовурилган чигиртка ҳисобланади. Лекин мамлакат аҳолиси март ойидан то апрелгача иштаҳаларини тийиб юришига тўғри келади. Чунки дала ва боғлардаги экинларга зарар келтирганлиги сабабли бу ойларда чигирткаларга қарши заҳарли химикатлар ишлатилади ва шунга кўра ҳам уларни бу пайтда қовуриб ейиш маън қилинади.

Гўшт ўрнига чумоли соки

Чумоли соки Хитойда инсон саломатлиги учун энг фойдали ичимлик ҳисобланади. Чунки бу сок худди дуккакли ўсимликлардек оқсил моддасига бой. Бундан ташқари, таркибида рух элементи бўлгани учун ундан дори сифатида фойдаланиш ҳам тавсия этилади.

Шу ўринда чумоли сокининг калорияси сигир гўштиникидан 4 баравар ортиқлигини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Қалдирғоч уясидан шўрва

Қалдирғоч уяси деганда биз хас-чўп ва лойдан ясалган уяни тушунамиз. Хайнан ва Тайван оролларининг соҳилларида бўлса, денгиз қалдирғочларининг бир тури яшайдики, улар ўз инларини денгиз қирғоққа улоқтирган балиқларнинг лаҳим гўшти ва ивилдириғидан қуради. Қалдирғочнинг сўлаги теккан балиқ сира айнимайдиган ўзига хос "консерва" бўлиб қолади.

Овчилар ана шу уяларни йиғиб келишади. Уя қайноқ сувга 4-5 соат ботириб қўйилади, сув янгилаб турилади. Уя юмшагандан сўнг махсус мўйчинак билан ифлосланган жойлари тозаланади, ишқорли сув (борий гидрат оксиди) билан яна ювилади. Сўнгра ишқорни кетказиш учун яна тоза сув билан ювилиб, товуқ шўрвага солиб пиширилади ва дастурхонга тортилади.

Хитойликлар учун жуда лаззатли бўлган бу таомни илк бор татиб кўрган киши ё юта олмай, ё ташлаб юборолмай хуноб бўлади. Чунки у анча бадхўр.

Тунда ҳам кундузгидек кўради

Хунам вилоятида истиқомат қилувчи Чан Сунфа кечаси ҳам худди кундуздагидек кўриш қобилиятига эга. Бироқ кўпчилик бунга ишонмасди. Мамлакатнинг машҳур шифокорларидан иборат комиссия ноёб қобилиятли деҳқонни текширувдан ўтказиб, шундай хулосага келди: "Дарҳақиқат, Чан Сунфа кечаси ҳам кундузгидек юз фоиз кўра олади".

Вазнсиз қиз

Бу қиз пишмаган тухумларни синдирмай, улар устида бемалол тура олади, ялангоёқ шиша синиқлари устида сакрайди, ингичка неон трубкада худди турникдагидек машқ қилади. Билмаган киши уни вазнсиз одам деб ўйлайди.

Хитойлик 24 яшар бу қизнинг исми Лили Хуа бўлиб, оғирлиги 47 килограмм. У Хитой циркида ишлайди. "Вазнсизлигимнинг сири, — дейди Лили, — узоқ ўтмишдан қолган медитация (махсус руҳий машқлар) техникасидадир. Бу машқлар менга бобомдан мерос қолган".

Интернет манбалари асосида Феруза МИРЗАЕВА тайёрлади.

● Назм

Ортиқ Қилич 1947 йилда Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида туғилган. Тошкент Давлат университети ҳамда Тошкент Давлат аграр университетини битирган. Ўзининг шеърлари билан китобхонларга таниш. Шеърларида она-Ватан мадҳи, табиат манзараларини кўтаринки руҳда куйлаб, севги ва садоқат, дўстлик, ҳамжиҳатлик каби инсоний туйғуларни гўзал ташбеҳлар орқали тараннум этади.

Кўкламларни севгандим

Шоирмасман дегандим,
Шоирсиз-ку, дедилар.
Кўкламларни севгандим,
Ёзлар етиб келдилар.

Бағрини гулбоғ этдим,
Дўстлар келиб кўришди.
Кўкрагимни тоғ этиб,
Роса мақтаб юришди.

Шеърларим гўр эса-да,
Ношудликка йўймади.
Изғиринлар эсса-да,
Қалқон бўлди — қўймади.

Топдим, баъзан топмадим —
Худо берган ризқим бор.
Дунё қувиб чопмадим,
Сабр — нафсдан устувор.

Яссавий ҳикматидан
Ёниб турдим саҳарлар.
Ер усти, ер қатидан
Садо берди шаҳарлар.

Олам аҳли бўлиб жам,
Юлдузлардек чарақлар.
Бир кун келиб мени ҳам
Ўзбекистон дараклар.

Бошланди шўълалар ўйини

Тинчгина яшагим келади,
Унутиб дунёнинг ташвишин.
Сўзларим кўз очмай ўлади,
Ким яхши, ким ёмон, йўқ ишим.

Ва лекин сабримнинг косаси
Тошади — ғафлатда ётма, дер.
Ётма, дер оталар қасоси —
Термулиб турибди она-Ер.

Сен унинг зорини тинглагин,
Ишга сол бор имкон-кучингни.
Ким дўсту ким ғаним — англагин,
Адо эт фарзандлик бурчингни.

Шу ўгит тутганча қўлимдан,
Кўрсатар Қуёшнинг уйини.
Шу ўгит жой олган кўнглимдан,
Бошланди шуълалар ўйини...

Юлдузимни излайман кўкдан

Шивирлашар ер билан осмон,
Шивиргa қулоқ тутаман.
Шивирлашар ер билан осмон,
Бор дардимни ичга ютаман.
Чексиз мовий ўтов коинот,
Уни безаб турар юлдузлар.
Тун бағрида буюк бир шиддат,
Унсиз суҳбат қурар юлдузлар.
Юлдузимни қўмсайман кўпдан,
Банд айлаган шоир хаёлин.
Юлдузимни излайман кўкдан,
Кўрарманми дея жамолин.
Ҳаммасига ошноман букун,
Тоғдай оғир ташвишларга ҳам.
Ғамни қувмоқ истайман буткул,
Кўнглим қадар ғришсин олам.
Ер ва осмон шивирлашар боз,
Шамол дайдиб излар уйини.
Шивирлашар қалам ва қоғоз,
Йўл талашиб — шошиб, куйиниб.

Жаҳон ҳафта ичида

РУЛДА 57 ЙИЛ ҲУЖЖАТСИЗ



Франция суди юк машинаси ҳайдовчисини ҳужжати йўқлиги сабабли, уч ойга шартли қамоқ жазосига маҳкум қилди. Гап шундаки, у 57 йил давомида ўз машинасини ҳайдовчилик гувоҳномасисиз бошқариб келган.

Reuters тарқатган хабарларга кўра, 78 ёшли қонунбузар чол январда қўлга олинган. Ўшанда у ортиқча ичиб қўйганлиги сабабли, машинани бошқара олмай қолган ва йўл четидаги тўсиққа бориб урилган.

У қирқ йил давомида оғирлиги уч ярим тонна бўлган юк машинасини бошқариб келган. Бу вақт давомида унинг қўлида 1949 йилда олинган ҳарбий ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлган, холос. Бироқ бу ҳужжат ҳам маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан рўйхатга олинмаган. Суд унинг юк машинасини мусодара қилди ва қоидабузарнинг қайта имтиҳон топширишига рухсат беришни тақиқлаб қўйди.

МАЖБУРИЙ ҚЎНИШ

Японiядаги All Nippon Airways авиакомпаниясининг йўловчи самолёти олдинги шассиси ишламай қолганидан сўнг ерга қўнишга мажбур бўлди. Ушбу воқеа Шикоку оролидаги Кочи шаҳри аэропортида рўй берди.

AFP тарқатган хабарларга кўра, авиалайнер ерга қўнгач, тумшуғи билан учиш чизиғига қадалиб қолган. Самолёт шу алфозда изидан олов сачратган ҳолда тўхтагунча ҳаракат қилган. Мажбурий қўниш 56 йўловчи ва экипажнинг 4 нафар аъзосига ҳеч қандан зарар етказмаган. Улар ўз вақтида эвакуация қилиниб улгурилган.

Осака префектурасидан учган лайнер қўнишдан олдин аэропорт тепасида бир неча маротаба айланган ва ердаги махсус хизматларни самолётдаги техник носозликдан хабардор этиб улгурган.

СУД РАД ЭТДИ

Москвадаги Головинский туман суди рассом Леонид Шварцманнинг «БРК-Косметикс» компанияси устидан қилган шикоятига рад жавобини берди.

Гап шундаки, рассом ушбу компаниянинг ўз маҳсулотлари рекламасида Чебурашка образидан фойдаланаётганидан норозилик билдирган ва компаниядан 4,7 миллион рубл миқдоридаги сумма ундириб берилишини талаб қилган эди.

Бу вақтда эса Чебурашканинг ҳақиқий "отаси" саналмиш ёзувчи Эдуард Успенский суднинг қарори тўғри эканлигини таъкидламоқда. Унинг ишончли вакили, адвокат Константин Леонтьев рассомнинг судда ўз муаллифлик ҳуқуқини исботлаб бера олмаганлигини билдирган. Ҳуқуқшуносларнинг фикрича, Чебурашка образи фақатгина Леонид Шварцманга эмас, балки рассомлар гуруҳига ҳам тегишлидир.

Шундай бўлса-да, Леонид Шварцман ва Интеллектуал мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилиш маркази вакиллари Чебурашка устидан бошланган суд давом этишини билдиришмоқда. Энди улар Москва шаҳар судига мурожаат қилишмоқчи.

Можаро «БРК-Косметикс» компанияси томонидан тиш пастасининг рекламасида машҳур мультфильмнинг икки қаҳрамонидан фойдаланилгандан сўнг келиб чиққан эди.

ЭНГ БОЙ КИШИЛАР РЎЙХАТИ

«Forbes» журнали жаҳоннинг энг бой кишилари рўйхатини эълон қилди.

Маълумотларга кўра, ҳозирда дунё бўйича 946 нафар миллиардер мавжуд. Бу кўрсаткич ўтган йилгидан 150 нафарга кўп. Журнал бош муҳаррири Стив Форбснинг таъкидлашича, бойлар сонининг кўпайиши дунё иқтисодиёти ривожланаётганини англатади. Бу рўйхатда 13 йилдирки, Билл Гейтс (56 миллиард доллар) биринчи ўринни ҳеч кимга бермай келаяпти. Иккинчи ўринни Уоррен Баффет 52 миллиард долларлик сармояси билан банд этди. Мексикалик саноатчи Карлос Слим ўзининг 49 миллиард маблағи билан учинчи ўринда бормоқда. Рўйхатга биринчи бор Сербия ва руминиялик бойлар ҳам киритилди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Эгри ишнинг сояси ҳам эгри бўлади.

* * *

Бахт-иқболга мағрур бўлиш мастлиги ичкилик мастлигидан қўрқинчлироқдир.

* * *

Ҳунар шундай отдирки, у минган кишини роҳат ва эътибор манзилига етказади.

* * *

Ақл улуғликка, ақлсизлик эса тубанликка етаклайди.

* * *

Фақат ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлаш, ялқовлик — муваффақият кувватини кесувчи бир касалликдир. Инсоннинг саодатдан маҳрум бўлиб, маъюсона яшаши шу ялқовлик, ғайратсизлик натижасидир.

* * *

Эзгу хулқ дўстликни, ёмон хулқ душманликни келтиради.

* * *

Кимнинг ҳиммати баланд бўлса, қадр-қиммати ҳам баланд бўлади.

* * *

Чинакам бахтиёр бўлиш учун қуйидаги хислатлар лозим: илмдан орттирилган фазилат, ташқи кўринишдан топилган ҳақиқат, ақл туфайли ҳосил қилинган феъл-атвор, молу мулкдан зиёда саломатлик.

* * *

Ҳар ким насиҳат олишни ёки насиҳат қилишни истайди, аммо оз киши уни қабул қилади.

* * *

Ўтган иш учун ҳасрат ва надомат чекмоқ ақлли одамлар иши эмас.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — факс: 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-73
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 123.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2358
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 19.30